Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 123 (5114)
2 ИЮНЬ 1983 Й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади. Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Қувончли натижалар

Пойтахтимизд а г и шина ремонти заводи коллективи Тошкент.нинг 2000 йиллиги шарафига ташкил қилинган социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқда. Корхона ишчилари ўтган ойда фидокорона меҳнат қилиб, белгиланган планни муддатидан илгари 106,6 процентга етказиб бажаришга муваффақ бўлган эдилар. Айни пайтда бу ерда юксак меҳнат интизоми мустаҳкамлашга ҳисса қўшди. А. Я. Пельше КПССнинг қардош коммунистик ва ишчи партиялар билан алоқаларини ривожлантириш соҳасидаги ишларида актив қатнашди.

А. Я. Пельше кўп йиллар Москвада меҳнат қилди. У пойтахт меҳнаткашларининг турмушига, унинг экономикаси ривожи билан, фани ва маданияти ютуқлари билан доимо қизиқиб турди, партия ташкилотларининг ва барча меҳнат коллективларининг ишига ёрдам бериб келди.

У барча ишларда партия ишининг ҳаққонийлигига сидқидилдан ишонганлиги билан, большевикларга хос принципиаллиги, ўзига ва ишдаги ўртоқларига нисбатан юксак талабчанлиги билан ажралиб турар эди. У ишдаги юксак партиявийлик, уюшқоқлик, ленинча услуб намунасини кўрсатиб келди.

А. Я. Пельше тинимсиз самарали фаолияти, фидокорона меҳнати, одмилиги ва камтарлиги билан, одамларга нисбатан меҳрибонлиги, сезгирлиги билан партияда ва халқ орасида чуқур ҳурмат ва обрў-эътибор қозонди. Ватан Арвид Яновичнинг партия билан давлат олдидаги хизматларини юқори баҳолади. У икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, Совет Иттифоқининг кўпгина орден ва медаллари билан мукофотланди.

Арвид Янович билан видолашиш оғир ва қайғулидир. Дилимиз ғам билан тўла. Биз марҳумнинг қариндошлари ва ёр-биродарларига чин кўнгилдан ҳамдардлик изҳор этамиз. Биз А. Я. Пельше билан видолашар эканмиз, партиямиз билан халқимизнинг ютуқларини сақлаб қолиб кўпайтираверамиз, деб айтамиз. У ўзининг бутун умрини бағишлаган ишни — коммунизм қуриш ишини сабот билан давом эттирамиз.

Алвидо, қадрдон ўртоғимиз ва дўстимиз!

В. В. Гришин КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг топширувига биноан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети хузуридаги Партия контроли комитети раиси, СССР Олий Совети депутати Арвид Янович Пельше хотирасига бағишланган мотам митингини очиқ деб эълон қилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев сўз олади. Шу мотам дамларида, дейди у, совет коммунистлари, Ватан меҳнаткашлари ленинча большевиклар қаҳрамонона отрядининг энг кекса намояндаларидан бири, Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети хузуридаги Партия контроли комитети раиси, СССР Олий Советининг депутати А. Я. Пельше билан чуқур қайғуда видолашмоқдалар.

А. Я. Пельше йигитлик чоғидан то умрининг охиригача Ленин партиясининг ишига сидқидилдан хизмат қилди. У 1915 йилда партия сафига кириб, Қишки саройни штурм қилишдан шу кунларгача қаҳрамонона кураш ва бунёдкорлик мислсиз йўлини партия билан бирга босиб ўтди. Марксизм-ленинизм ғояларига, тинчлик ва социализм идеаллари учун курашга астойдил садоқатли коммунистнинг, дилкаш, юксак принципиал ва матонатли, ҳар тарафлама назарий билимдон инсоннинг юраги уришдан тўхтади.

А. Я. Пельше партиявий ахлоқни бузиш ҳолларига нисбатан муросасиз эди, уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлаш, ижрони контроль қилиш ва текширишни кучайтириш учун актив курашди. У кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш кишиларни юксак ғоявийлик ва коммунистик аҳлоқ руҳида тарбиялаш иши билан чамбарчас боғлиқ бўлиши лозимлигини зўр бериб таъкидлар эди. КПСС Марказий Комитети хузуридаги партия контроли комитетининг раиси лавозимидаги фаолияти шу ишга бағишланди.

Ленининг янги типдаги партия ҳақидаги таълимотини тинимсиз пропаганда қилиб, у ленинча иш услубини, партиявий ишнинг ленинча, нормаларини амалга оширди. У партия қурилишига ва аввало партия контролига бағишланган асарлар ёзди.

А. Я. Пельше изчил интернационалист ва социалистик юртимизнинг ватанпарвари сифатида хотирамизда сақланиб қолади. У ҳамиша мамлакатимиз миллатлари ва элатларининг янги интернационал ҳамда социал бирлиги бўлмиш совет халқининг якдиллигини мустаҳкамлаш учун, социалистик мамлакатлар халқларининг дўстлиги учун, ер юзидаги барча халқларнинг тинч ҳамкорлигини ривожлантириш учун сидқидилдан ҳаракат қилиб келди.

А. Я. Пельше халқаро коммунистик ҳаракат сафларидаги ишга кўп куч сарфлаб, қардош партияларнинг намояндалари билан учрашувларда, шу партияларнинг съездлари ишида қатнашди. Дунёдаги кўп мамлакатларнинг коммунистлари, тараққийпарвар жамоатчилиги, меҳнаткашлари унинг ядровий фалокат хавфига қарши, қуролланиш пойгасига қарши, жамики меҳнат аҳлининг порлоқ келажаги учун толмас курашчи эканини яхши биладилар.

Партия А. Я. Пельшени қаерга юбормасин, ҳамма ерда у Коммунистик партиянинг бош йўлини принципиаллик ва изчиллик билан амалга оширди, бутун кучи ва бой тажрибасини партиянинг улуғ ишига бағишлади, ривожланган социализм жамиятини барпо этишда ва такомиллаштиришда актив қатнашди.

Барча коммунистлар, совет ватанпарварлари учун А. Я. Пельшенинг ҳаёти ва фаолияти — Ватанга, тинчлик ва социализм ишига садоқат билан хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир.

Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Э. Восс минг қатнашчиларига мурожаат этиб, бундай деди: бу жудолик биз, Латвия ССР коммунистлари ва барча меҳнаткашлари учун айниқса оғирдир. Совет Латвияси тарихининг қўпгина ёрқин саҳифалари А. Я. Пельшенинг номи билан боғланган. У шу ерда туғилди, шу ерда йигитлик чоғидаёқ большевиклар партиясига кирди, самодержавиега қарши, эски тузумнинг қора кучларига қарши революцион кураш йўлига ўтди. Ўн минглаб латиш қизил ўқчилари билан биргаликда Арвид Янович Октябрь революциясини тайёрлаш ва ўтказишда, унинг ғалабаларини қурол билан ҳимоя қилишда фаол қатнашди. У ички ва ташқи контрреволюцияга қарши граждан уруши фронтларида баҳодирона жанг қилди.

Латвияда совет ҳокимияти қайта тикланганидан кейин 25 йил мобайнида А. Я. Пельше Латвия Компартияси Марказий Комитетининг секретари, сўнгра эса Марказий Комитетнинг биринчи секретари лавозимида самарали меҳнат қилиб, республика экономикаси ва маданиятини ривожлантириш ҳақида тинимсиз ғамхўрлик кўрсатди.

Партия юборган ҳамма участкаларда Арвид Янович ўзига хос большевикча эҳтирос ва ташаббускорлик билан, битмас-туганмас ишчанлик ва ғайрат-шижоат, юксак масъулият билан меҳнат қилди.

Арвид Янович партиявий принципиаллиги, зўр меҳнатсеварлиги, одамлар билан яқин алоқада бўлиши, уларнинг талаб ва илтимосларига ҳар он жавоб беришга тайёрлиги, камтарлиги ва одмилиги, дилкашлиги ва қалби дарёлиги билан совет халқининг обрў-эътибори ва чуқур ҳурматини қозонди.

Москвадаги «Красный пролетарий» станоксозлик заводининг ишчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. И. Мальцев бундай деди: Арвид Янович Пельше вафот этганлиги тўғрисидаги хабар Москва коммунистлари, барча меҳнаткашларини чуқур қайғуга солди. У ишчиларни яхши билар, уларнинг манфаатларини кўзлаб иш тутар эди, Москва завод ва фабрикалари коллективларида юзага келган жамики янгиликларга зўр эътибор билан қарар эди. Шу қайғули дамларда партияга ваъда бериб айтамизки, Москва ишчилар синфи бундан буён ҳам социалистик Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини фидокорона меҳнат билан мустаҳкамлайверадилар, коммунизм идеаллари учун тинимсиз курашаверадилар. Арвид Янович Пельше ўзининг ёрқин ҳаётини мана шу идеалларнинг рўёбга чиқарилишига бағишлаган эди.

Мотам митинги ёпиқ деб эълон қилинади. Коммунистик партия билан Совет давлатининг раҳбарлари минбардан тушадилар. Улар марҳумнинг хоки солинган қутичани кўтариб Кремль девори ёнига борадилар.

А. Я. Пельшенинг хоки солинган қутича токчага ўрнатилиб, ёдгорлик лавҳа билан ёпиб қўйилади. Лавҳага шундай деб ёзилган:

Арвид Янович
ПЕЛЬШЕ
7 29
18——99 19——83
II V

Тўпдардан бир йўла ўқ узиб берилган салют гумбурлайди. Совет Иттифоқи Давлат гимни янграйди.

Ҳарбий бўлинмалар тантанали марш қилиб ўтадилар. Совет Қуролли Кучларининг намояндалари социалистик Ватанга, улуғ Ленин ишига садоқат билан хизмат қилган Арвид Янович Пельшега сўнгги бор ҳарбий иззат-икром бажо келтирадилар.

(ТАСС).

Янги технология бўйича

Тошкент пластмасса ва маиший химия маҳсулотлари заводида линолеум ва хўжалик сумкалари, дастурхон, пакет каби кенг истеъмол буюмларини тайёрлашда ишлатиладиган плёнкаларни ишлаб чиқарадиган янги линия ўрнатилди.

ГДРда ишлаб чиқарилган ускунани ўрнатишда мутахассисларимизга дўстона мамлакат инженерлари ёрдам беришди.

БУГУН

доимий ишлайдиган линия ишга туширилди. Унинг ишга туширилиши халқ хўжалиги учун ниҳоятда зарур плёнкалардан йилига 15 миллион квадрат метр ишлаб чиқариш имконини беради.

Цех бошлиғи А. Шчербаков раҳбарлигида янги ишлаб чиқариш участкасида энди 100 га яқин мутахассис меҳнат қилади.

Суратда: Қизил майдонда мотам митинги. В. И. Ленин Мавзолейи минбарида.

В. Мусаэльян ва Э. Песов фотоси. (ТАСС—ЎзТАГ телефотоси).

АРВИД ЯНОВИЧ ПЕЛЬШЕНИНГ ДАФН ЭТИЛИШИ

ҚИЗИЛ МАЙДОНДА МОТАМ МИТИНГИ

Москвада 1 июнь куни Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитети раиси, СССР Олий Совети депутати, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Арвид Янович Пельшени дафн этиш маросими бўлди.

Союзлар уйининг Колонна зали икки кундан бери мотам либосида. Бу ерда гулчамбарлар ва гуллар ўртасидаги баланд супага А. Я. Пельшенинг ҳоки солинган қутича қўйилган. 1 июнга ўтар кечаси марҳум жасади куйдирилган эди.

Кечагидек бугун ҳам Москва шаҳри ва областининг минглаб меҳнатчилари, иттифоқдош республикаларнинг, ўлкалар ва областларнинг намояндалари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг ходимлари, фан ва маданият арбоблари, ҳарбий бошлиқлар партиянинг бутун ўз умрини коммунистик қурилиш улуғ ишига бағишлаган содиқ фарзандига чуқур ҳурмат бажо этиш учун кетма-кет келиб турдилар.

Дафн маросимини ташкил этувчи ҳукумат комиссиясининг аъзолари фахрий қоровулда турадилар.

Соат 10. Марҳумнинг ҳокини зиёрат қилиш учун одамларнинг келиши тўхтатилади. Залда Арвид Янович Пельшенинг қариндошлари, ёр-биродарлари, дўстлари ва сафдошлари қоладилар. Сўнгги видолашув онлари.

Мотам куйлари чалиниб, қутича Колонна залидан олиб чиқилади ва тўп лафетига қўйилади. Мотам маросимининг қатнашчилари Қизил майдонга йўл оладилар.

Маросим иштирокчилари олдида кўпдан-кўп гулчамбарлар олиб борилмоқда. А. Я. Пельшенинг Ватан олдидаги хизматларини тақдирлаб берилган мукофотлар қизил атлас ёстиқчаларга қўйилган.

Қизил майдонга пойтахт ва Москва области меҳнаткашларининг намояндалари йиғилишган. Шу ердаги минбарларда КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзолари, СССР Олий Советининг депутатлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, партия ва совет ходимлари туришибди. СССРдаги дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари ҳозир бўлганлар.

Ҳарбий бўлинмалар майдонда бир текис саф тортиб турибдилар. Уларнинг колонналари узра жанговар байроқлар қуйи эгилган.

Мотам маросими қатнашчилари мавзолей ёнига келадилар. Марҳумнинг ҳоки солинган қутича супага олиб қўйилади.

Ю. В. Андропов, Г. А. Алиев, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, К. В. Русаков, Н. И. Рижков ўртоқлар, дафн маросимини ташкил этувчи ҳукумат комиссиясининг аъзолари мавзолейнинг марказий минбарига кўтарилади.

Мотам митингини ҳукумат комиссиясининг раиси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин очади.

Партиямиз, совет халқи оғир жудоликка учрадилар, деди у, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитети раиси, СССР Олий Совети депутати Арвид Янович Пельше вафот этди. Оташин ленинчи коммунист, Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, доимо Ленининг барҳаёт ишига узлуксиз содиқ бўлиб келган ажойиб инсон ва толмас жангчининг қалби уришдан тўхтади.

А. Я. Пельшенинг бутун умри Ленин партиясининг улуғ зафарлари билан, совет халқининг фидокорона меҳнати, социализм ва коммунизм қуриш йўлидаги кураши билан боғланган эди. Унинг ҳаёт йўли партияга, социалистик Ватанга садоқат билан хизмат қилиш намунасидир.

Партия ва давлат фаолиятининг ҳамма лавозимларида А. Я. Пельше ўзининг бутун кучини, бой тажрибаси ва билимини марксизм-ленинизм улуғ идеалларига садоқат билан хизмат қилишга бағишлади. У партия қурилиши назарияси ва практикасини ривожлантиришга, партия контролини ташкил этиш ва амалга оширишга, партия ва давлат интизомини мустаҳкамлашга ҳисса қўшди. А. Я. Пельше КПССнинг қардош коммунистик ва ишчи партиялар билан алоқаларини ривожлантириш соҳасидаги ишларида актив қатнашди.

А. Я. Пельше кўп йиллар Москвада меҳнат қилди. У пойтахт меҳнаткашларининг турмушига, унинг экономикаси ривожи билан, фани ва маданияти ютуқлари билан доимо қизиқиб турди, партия ташкилотларининг ва барча меҳнат коллективларининг ишига ёрдам бериб келди.

У барча ишларда партия ишининг ҳаққонийлигига сидқидилдан ишонганлиги билан, большевикларга хос принципиаллиги, ўзига ва ишдаги ўртоқларига нисбатан юксак талабчанлиги билан ажралиб турар эди. У ишдаги юксак партиявийлик, уюшқоқлик, ленинча услуб намунасини кўрсатиб келди.

А. Я. Пельше тинимсиз самарали фаолияти, фидокорона меҳнати, одмилиги ва камтарлиги билан, одамларга нисбатан меҳрибонлиги, сезгирлиги билан партияда ва халқ орасида чуқур ҳурмат ва обрў-эътибор қозонди. Ватан Арвид Яновичнинг партия билан давлат олдидаги хизматларини юқори баҳолади. У икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, Совет Иттифоқининг кўпгина орден ва медаллари билан мукофотланди.

Арвид Янович билан видолашиш оғир ва қайғулидир. Дилимиз ғам билан тўла. Биз марҳумнинг қариндошлари ва ёр-биродарларига чин кўнгилдан ҳамдардлик изҳор этамиз. Биз А. Я. Пельше билан видолашар эканмиз, партиямиз билан халқимизнинг ютуқларини сақлаб қолиб кўпайтираверамиз, деб айтамиз. У ўзининг бутун умрини бағишлаган ишни — коммунизм қуриш ишини сабот билан давом эттирамиз.

Алвидо, қадрдон ўртоғимиз ва дўстимиз!

В. В. Гришин КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг топширувига биноан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети хузуридаги Партия контроли комитети раиси, СССР Олий Совети депутати Арвид Янович Пельше хотирасига бағишланган мотам митингини очиқ деб эълон қилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев сўз олади. Шу мотам дамларида, дейди у, совет коммунистлари, Ватан меҳнаткашлари ленинча большевиклар қаҳрамонона отрядининг энг кекса намояндаларидан бири, Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети хузуридаги Партия контроли комитети раиси, СССР Олий Советининг депутати А. Я. Пельше билан чуқур қайғуда видолашмоқдалар.

А. Я. Пельше йигитлик чоғидан то умрининг охиригача Ленин партиясининг ишига сидқидилдан хизмат қилди. У 1915 йилда партия сафига кириб, Қишки саройни штурм қилишдан шу кунларгача қаҳрамонона кураш ва бунёдкорлик мислсиз йўлини партия билан бирга босиб ўтди. Марксизм-ленинизм ғояларига, тинчлик ва социализм идеаллари учун курашга астойдил садоқатли коммунистнинг, дилкаш, юксак принципиал ва матонатли, ҳар тарафлама назарий билимдон инсоннинг юраги уришдан тўхтади.

А. Я. Пельше партиявий ахлоқни бузиш ҳолларига нисбатан муросасиз эди, уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлаш, ижрони контроль қилиш ва текширишни кучайтириш учун актив курашди. У кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш кишиларни юксак ғоявийлик ва коммунистик аҳлоқ руҳида тарбиялаш иши билан чамбарчас боғлиқ бўлиши лозимлигини зўр бериб таъкидлар эди. КПСС Марказий Комитети хузуридаги партия контроли комитетининг раиси лавозимидаги фаолияти шу ишга бағишланди.

Ленининг янги типдаги партия ҳақидаги таълимотини тинимсиз пропаганда қилиб, у ленинча иш услубини, партиявий ишнинг ленинча, нормаларини амалга оширди. У партия қурилишига ва аввало партия контролига бағишланган асарлар ёзди.

А. Я. Пельше изчил интернационалист ва социалистик юртимизнинг ватанпарвари сифатида хотирамизда сақланиб қолади. У ҳамиша мамлакатимиз миллатлари ва элатларининг янги интернационал ҳамда социал бирлиги бўлмиш совет халқининг якдиллигини мустаҳкамлаш учун, социалистик мамлакатлар халқларининг дўстлиги учун, ер юзидаги барча халқларнинг тинч ҳамкорлигини ривожлантириш учун сидқидилдан ҳаракат қилиб келди.

А. Я. Пельше халқаро коммунистик ҳаракат сафларидаги ишга кўп куч сарфлаб, қардош партияларнинг намояндалари билан учрашувларда, шу партияларнинг съездлари ишида қатнашди. Дунёдаги кўп мамлакатларнинг коммунистлари, тараққийпарвар жамоатчилиги, меҳнаткашлари унинг ядровий фалокат хавфига қарши, қуролланиш пойгасига қарши, жамики меҳнат аҳлининг порлоқ келажаги учун толмас курашчи эканини яхши биладилар.

Партия А. Я. Пельшени қаерга юбормасин, ҳамма ерда у Коммунистик партиянинг бош йўлини принципиаллик ва изчиллик билан амалга оширди, бутун кучи ва бой тажрибасини партиянинг улуғ ишига бағишлади, ривожланган социализм жамиятини барпо этишда ва такомиллаштиришда актив қатнашди.

Барча коммунистлар, совет ватанпарварлари учун А. Я. Пельшенинг ҳаёти ва фаолияти — Ватанга, тинчлик ва социализм ишига садоқат билан хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир.

Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Э. Восс минг қатнашчиларига мурожаат этиб, бундай деди: бу жудолик биз, Латвия ССР коммунистлари ва барча меҳнаткашлари учун айниқса оғирдир. Совет Латвияси тарихининг қўпгина ёрқин саҳифалари А. Я. Пельшенинг номи билан боғланган. У шу ерда туғилди, шу ерда йигитлик чоғидаёқ большевиклар партиясига кирди, самодержавиега қарши, эски тузумнинг қора кучларига қарши революцион кураш йўлига ўтди. Ўн минглаб латиш қизил ўқчилари билан биргаликда Арвид Янович Октябрь революциясини тайёрлаш ва ўтказишда, унинг ғалабаларини қурол билан ҳимоя қилишда фаол қатнашди. У ички ва ташқи контрреволюцияга қарши граждан уруши фронтларида баҳодирона жанг қилди.

Латвияда совет ҳокимияти қайта тикланганидан кейин 25 йил мобайнида А. Я. Пельше Латвия Компартияси Марказий Комитетининг секретари, сўнгра эса Марказий Комитетнинг биринчи секретари лавозимида самарали меҳнат қилиб, республика экономикаси ва маданиятини ривожлантириш ҳақида тинимсиз ғамхўрлик кўрсатди.

Партия юборган ҳамма участкаларда Арвид Янович ўзига хос большевикча эҳтирос ва ташаббускорлик билан, битмас-туганмас ишчанлик ва ғайрат-шижоат, юксак масъулият билан меҳнат қилди.

Арвид Янович партиявий принципиаллиги, зўр меҳнатсеварлиги, одамлар билан яқин алоқада бўлиши, уларнинг талаб ва илтимосларига ҳар он жавоб беришга тайёрлиги, камтарлиги ва одмилиги, дилкашлиги ва қалби дарёлиги билан совет халқининг обрў-эътибори ва чуқур ҳурматини қозонди.

Москвадаги «Красный пролетарий» станоксозлик заводининг ишчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. И. Мальцев бундай деди: Арвид Янович Пельше вафот этганлиги тўғрисидаги хабар Москва коммунистлари, барча меҳнаткашларини чуқур қайғуга солди. У ишчиларни яхши билар, уларнинг манфаатларини кўзлаб иш тутар эди, Москва завод ва фабрикалари коллективларида юзага келган жамики янгиликларга зўр эътибор билан қарар эди. Шу қайғули дамларда партияга ваъда бериб айтамизки, Москва ишчилар синфи бундан буён ҳам социалистик Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини фидокорона меҳнат билан мустаҳкамлайверадилар, коммунизм идеаллари учун тинимсиз курашаверадилар. Арвид Янович Пельше ўзининг ёрқин ҳаётини мана шу идеалларнинг рўёбга чиқарилишига бағишлаган эди.

Мотам митинги ёпиқ деб эълон қилинади. Коммунистик партия билан Совет давлатининг раҳбарлари минбардан тушадилар. Улар марҳумнинг хоки солинган қутичани кўтариб Кремль девори ёнига борадилар.

А. Я. Пельшенинг хоки солинган қутича токчага ўрнатилиб, ёдгорлик лавҳа билан ёпиб қўйилади. Лавҳага шундай деб ёзилган:

Арвид Янович
ПЕЛЬШЕ
7 29
18——99 19——83
II V

Тўпдардан бир йўла ўқ узиб берилган салют гумбурлайди. Совет Иттифоқи Давлат гимни янграйди.

Ҳарбий бўлинмалар тантанали марш қилиб ўтадилар. Совет Қуролли Кучларининг намояндалари социалистик Ватанга, улуғ Ленин ишига садоқат билан хизмат қилган Арвид Янович Пельшега сўнгги бор ҳарбий иззат-икром бажо келтирадилар.

(ТАСС).

ИШЧИЛАР САФИГА БУГУН

86-ҳунар-техн и к а билим юрти 1970 йилдан буён шаҳарнинг йирик корхоналарига электр пайвандчилар, слесарь-асбобсозлар, кўчма ва минорали кранлар бошқарувчиларини тайёрлаб келмоқда.

ҳунар-техника билим юртида 500 га яқин ўқувчи мавжуд 17 ўқув кабинетларида билим олмоқда. Улар назарий билимларини амалий ишга тадбиқ этишларида оталиқ ташкилотлари — В. П. Чкалов номидаги авнация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Тошкент экскаватор заводи мутахассислари ҳомийлик қилишади. Имтиҳонларни муваффақиятли топширган 220 нафар ўқувчи тез кунда мазкур корхоналар ишчилари сафига қўшилади.

М. ИСҲОҚОВ.

БОЛАЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК КЕЧА

жамоатчилиги вакилларни ҳимоя қилиш тантанали йиғилиши

Тельман номидаги Маданият ва истироҳат боғида шаҳар кунига бағишланган рининг Халқаро болалар бўлиб ўтди.

Сўзга чиққанлар Коммунистик партия ва совет ҳукумати оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича кўрсатаётган чинакам ғамхўрлик учун самимий миннатдорчилик билдирдилар, партия ва ҳукуматимизнинг ядро хавфини бартараф этиш ва ўсиб келаётган авлоднинг бахтли келажаги учун олиб бораётган толмас курашини қўллаб-қувватлашларини баён этдилар.

КПСС XXVI съезди делегати, Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи токари Ю. И. Степаненко ўз сўзида «Совет болалари чинакам бахтиёрдирлар, уларнинг гармоник ривожланиши учун ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилган, имтиёзларнинг энг кўпи ҳам болалар учундир. Биз уларнинг келажаги учун, ер юзида тинчлик учун курашамиз», деди.

ТошДУ тайёрлов факультети студенти, афғонистонлик Абдул Раҳмоний совет мамлакатида болалар ҳур ва бахтиёр яшаётганлигини гапирди. 164-мактабнинг 10-синф ўқувчиси М. Қосимова эса ўқувчилар номидан бахтли болалик учун партия ва ҳукуматга миннатдорчилик сўзларини айтди.

Байрам шарафига болалар бадиий ҳаваскорлик коллективлари катта концерт қўйиб беришди. Болаларнинг бадиий ва техник ижодий кўргазмаси очилди.

ОБ-ҲАВО

Ёзнинг биринчи ойи

Серқуёш кунлар тупроқ юзасининг ва атмосферанинг ер усти қатламини янада қиздиради. Ҳавонинг ўртача ҳарорати июнь ойида майга қараганда 4—6 даража юқори бўлади. Ойнинг биринчи ярмида ҳавонинг бирмунча салқин келиши кутилмоқда. Бу даврда ҳаво ҳарорати тунлари 14—19 даража, кундузлари 28—33 даража бўлади. Айрим кунлари эса ҳарорат кечалари 8— 13 га, кундузлари 22— 27 даражага тушиши мумкин.

Ойнинг иккинчи ярмида тунлари ҳароратнинг 19— 24, кундузлари эса 33—38 даража исиши кутилмоқда.

Умуман июнь ойида ҳавонинг ўртача ҳарорати кўп йиллик ўртача кўрсаткичга яқин келади. Ёмғирлар май ойига таққослаганда уч марта камаяди. Ҳарорат пасайган кезларда жала қуйиши мумкин. Ойлик ёмғир миқдори нормага яқин ва ундан кўпроқ бўлиши кутилади.

• СЎЗ—ЦЕХ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ СЕКРЕТАРЛАРИГА

КОММУНИСТЛАР ДАЪВАТИ

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленуми партия XXVI съезди қарорларини муваффақиятли амалга оширишнинг конкрет йўл-йўриқларини белгилаб берди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов Пленумда сўзлаган нутқида «Партия, давлат ва меҳнат интизомининг ҳар қандай бузилишига қарши қатъий кураш олиб бориш лозим», деб таъкидлади. Бу кўрсатмани барча меҳнат коллективлари қатори бизнинг цехимиз коллективи ҳам ҳаракат қўлланмаси сифатида қабул қилди. Цехимизда меҳнатни ташкил этишни янада яхшилаш, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини бузиш ҳолларига қарши кураш ҳар томонлама кучайтирилди.

Корхонамизда кўпгина яхши ташаббуслар қанот ёзяпти. Пленум кўрсатмаларига амал қилган Москва меҳнат коллективлари н и н г меҳнат ишлаб чиқариш интизомини янада мустаҳкамлаш юзасидан бошлаган ватанпарварлик ҳаракатига бизнинг корхонамиз коллективи ҳам биринчилар қаторида қўшилди. Корхонамиз ҳамда В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, В. И. Ленин номидаги электрон-техника, «Миконд», «Ташсельмаш» заводлари ва бошқа қатор корхоналарнинг меҳнат коллективлари ташаббуси Тошкент шаҳар партия комитети бюроси томонидан маъқулланди.

Хўш, бизнинг вазифамиз нима? Ишлаб чиқаришда намунали тартибни йўлга қўйиш, кадрлар қўнимсизлигини қисқартириш, тартибни бузувчиларга нисбатан кескин чоралар кўриш. Бу борада конкрет тадбирлар белгиланди. Барча турдаги иш вақтини йўқотишларни қисқартириш эвазига маҳсулот ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари бажариш, планга қўшимча эса кўплаб маҳсулот тайёрлаш кўзда тутилган.

Зотан, бу йил корхона бўйича кадрлар қўнимсизлигини 25 процент қисқартириш кўзда тутиляпти. Бундан ташқари бизда нуқсонсиз ишлаш системасини жорий этиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини анча оширишга ҳаракат қилинмоқда. Буларнинг ҳаммаси эса сезиларли натижалар бермоқда. Беш йиллик бошидан буён қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига планга қўшимча 500 трактор, 100 прицеп ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилди.

Бизнинг цехимиз коммунистлари, бутун коллективи меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини кучайтириш эвазига ўтган 4 ойда барча кўрсаткичлар бўйича план-топшириқларини муваффақиятли адо этдилар. Планга қўшимча 700 минг сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб берилишида цехимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Шу кунларда жонажон пойтахтимиз Тошкентнинг 2000 йиллиги шарафига каттаю-кичик зарбдор вахтада туриб ишламоқда. Г. Марáров, Л. Недорезов сингари моҳир ташкилотчилар етакчилик қилаётган бригадалар, М. Туропов сингари ном қозонган коммунистлар олдинги сафда бормоқдалар. Улардан ўрнак олаётган ўнлаб беш йиллик зарбдорлари ички резервлардан тўла-тўкис фойдаланишга интилмоқдалар.

Цехимизда шундай анъана таркиб топган: планлар ортиғи билан бажарилаётган, қишлоқ буюртмачиларининг талаблари муваффақиятли адо этилаётган бўлса ҳам, коммунистлар ва меҳнат зарбдорлари асло эришилган ютуқлар билан кифояланиб қолмайдилар. Негаки, иш бир маромда бораётган илғор меҳнат коллективида ҳам янги-янгидан резервлар топилаверади-да. Прогулчи, бракчиларга қарши курашиш, ишлаб чиқаришдаги узилиш ва нобудгарчиликка барҳам бериш, ўзаро талабчанликни ошириб, ишлаб чиқариш илғорларига юксак ҳурмат вазиятини яратиш, интизомни бузувчиларга нисбатан эса муросасиз бўлиш шулар жумласидандир. Корхонамиз бўйича барча буюмларнинг 72,6 процентини Сифат белгиси билан тайёрлаш ҳар бир ходимнинг шахсий масъулиятини оширишни тақозо этади. Цех партия ташкилоти ўзининг бутун ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишларини коммунистлар масъулиятини янада оширишга, бутун коллективда эса бир-бирига ўзаро ёрдам, камчиликларга муросасизлик вазиятини яратишга қаратмоқда.

В. СОТНИКОВ,
«СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси 7-цехи партия ташкилотининг секретари.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

КУРОРТ БАЗАЛАРИ

ПРАГА. Чехословакия жамоатчилиги давлатга қарашли санаторий-курорт шифохоналари тармоқлари тузилганлигининг 35 йиллигини нишонламоқда. Халқ ҳокимияти ғалаба қозонгандан кейин мамлакатдаги машҳур шифохоналар кенг меҳнаткашлар оммаси ихтиёрига ўтди.

Ўтган йиллар мобайнида ЧССРнинг курорт базаси узлуксиз кенгайтирилди ва такомиллаштирилди. Шифобахш сув манбалари базасида бир неча янги санаторий комплекслари барпо этилди, ўнлаб шифохоналар қурилди. Санаторийлардаги ўринлар сони 1948 йилдагига нисбатан қарийб уч баравар кўпайди. Кўпгина курортлар бутун йил давомида ишлашга ўтганлиги туфайли даволанувчилар сони янада ошди. Чехословакия шифохоналарида ҳар йили ярим миллиондан кўп киши дам олади, ўн минглаб киши бу ерда амбулаторияга қатнаб даволанади.

Кейинги йилларда республикадаги кўпчилик санаторийлар энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлантирилди. Унда ишлаётган медиклар коллективи кўпгина оғир касалликларни даволашнинг юксак самарали усулларини ишлаб чиқдилар. Ички органлар касалликларини, диабет, юрак-қон томир ва тери касалликларини даволашда айниқса катта муваффақиятларга эришилди.

Чехословакия курортларида даволанувчиларнинг тўртдан уч қисми кекса ёшдаги кишилардир. Шунинг учун ҳам санаторий ва курортларда даволаш каттагина иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, кишиларнинг меҳнат қобилиятини оширишга ва ишни давом эттиришига кўмаклашмоқда.

ЧССРдаги Карлови-Вари, Марианске-Лазне, Льештяни ва бошқа курортлар мамлакат ташқарисида ҳам муносиб шуҳрат қозонган.

Чет мамлакатлардан, кўпинча социалистик мамлакатлардан ҳар йили 50 мингдан ортиқ киши келиб даволанади.

СТУДЕНТЛАР ЁРДАМИ

БУХАРЕСТ. Брашов университетида 50 миговатт қувватга эга бўлган шамол электр станцияси лойиҳаси тузилди ва қурилди. Бу станция махсус генератор билан жиҳозланган бўлиб, секундига 4 метрдан 16 метргача тезликдаги шамол билан ишлайди. Шу станцияни барпо этишда ўқитувчилар ва студентларнинг катта группаси қатнашди. Кўпгина ўқитувчилар ва студентлар янги техника ечимларини диплом ишлари ва илмий диссертациялари учун мавзу қилиб олмоқдалар.

Ҳозирги вақтда Руминиянинг олий ўқув юртларида студентларнинг 2100 дан кўп илмий жамиятида 73 минг студент ишламоқда. Бундан ташқари 3 мингта аралаш тадқиқот ва лойиҳалаш коллективлари мавжуд. Бу коллективлар составига ўқитувчилар, студентлар ва ишлаб чиқаришдаги мутахассислар кирган. Улар кейинги уч йил мобайнида 25 мингдан кўп мавзуни ечдилар. Бу ечимларнинг тахминан учдан икки қисми амалда фойдаланиш учун тавсия қилинди.

ФАН ЮТУҚЛАРИ—ҲАЁТГА

ГАВАНА. Бу ерда «Фан ютуқлари — ҳаётга!» деган шиор остида Куба Фанлар академиясининг йиллик олий илмий кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис иштирокчилари бу йил ҳозирги замон билимларининг барча соҳалари бўйича 135 та ишни конкурсга тақдим қилдилар. Фанлар академиясининг мукофотлари ва дипломларига сазовор бўлган фундаментал ечимлар авторлари орасида фан вакилларигина эмас, балки ишлаб чиқариш мутахассислари ҳам бор.

Кенгашда янги лауреатларнинг ишлари юксак даражада эканлиги қайд этилди. Илмий-техника базасининг борган сари кенгайтирилганлиги, ҳар бир корхонанинг ўзида кадрлар тайёрлашга ғамхўрлик қилинганлиги туфайли шундай юксак даражага эришилди. Ҳозирги вақтда мамлакатда 30 мингдан кўп дипломли мутахассис бор. Уларнинг учдан бир қисми амалий тадқиқотларда қатнашмоқда.

«ЯДРОСИЗ ЗОНА»

Ғарбий Германиянинг Гладбек шаҳрига кираверишда «Ядросиз зона» сўзлари ёзилган тахтача ўрнатилган. Бундай ёзув коммунистлар, социал-демократлар, ёшлар ва демократик ташкилотлар, тинчлик тарафдорлари куч-ғайрати туфайли пайдо бўлди. Уларнинг ташаббуси билан қабул қилинган шаҳар сенати резолюциясида Галдбекда ҳар қандай оммавий қирғин қуролини жойлаштириш, сақлаш тақиқланганлиги эълон қилинган. Саноат мамлакатларида ишсизликнинг тобора кўпайиб бораётганлигига ҳамда аҳолининг қашшоқлашувига ва ривожланаётган мамлакатларда аянчли камбағалликка қарши биз қуролланиш пойгасига чек қўйилишини ҳамда маблағлар социал эҳтиёжларга сарфланишини талаб қиламиз», — деб таъкидланади резолюцияда.

ВИСТАВКА ОЧИЛДИ

Мадагаскар Демократик Республикаси пойтахтида «Карл Маркс асарлари ва ҳаёти» мавзуида виставка очилди. Виставкани МДРдаги бир қанча министрликлар, шунингдек ГДР элчихонаси ташкил этди. Илмий коммунизм асосчисининг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бу виставка томошабинларни Маркс асарлари билан таништиради.

Виставка очилишида нутқ сўзлаган МДР ахборот, кооператив ва мафкуравий ишлар министри Бруно Ракутумаву шонли шана — Карл Маркс туғилган куннинг 165 йиллиги Мадагаскарда кенг нишонланаётганлиги н и таъкидлади. Унинг асарлари, деди министр, халқаро аҳамиятга эга. Мадагаскарда социалистик идеология тобора мустаҳкам позицияни эгалламоқда, деб уқтирди у.

ЯНГИ ҲАВО ЙЎЛИ

СОФИЯ. Болгариянинг «Балкан» авиакомпанияси янги ҳаво йўлини очди. «ТУ — 134» самолёти ҳар ҳафтада бир марта Бургасдан Ленинградга боради ва қайтиб келади. Бу самолёт 2750 километр масофани 2 соату 55 минутда учиб ўтади.

Реконструкция қилинганлиги ва янгиланганлиги натижасида Болгарияда энг яхши аэропортлардан бирига айлантирилган Бургас аэропортидан ҳозирги вақтда Совет Иттифоқининг учта шаҳри— Москва, Киев ва Ленинградга самолётлар қатнаб турибди.

ҚОТИЛЛИКДА АЙБЛАНАДИЛАР

Италиянинг Турин шаҳрида яширин «Прима линеа» қўпорувчилик группаси террорчилари суд қилина бошлади. Террорчилардан 130 дан кўп киши судланмоқда. Булар орасида группа раҳбарларидан бири — Сержо Сежо ва Италиядаги энг катта буржуа партияси—христиан демократик партияси ўта реакцион кайфиятдаги арбобларидан бирининг ўғли Марко Донас — Каттэн бор.

Террорчилар яширин қуролли ташкилот тузганликда, давлатга қарши иш олиб борганликда, қотилликда ва кишиларга қуролли ҳужум қилганликда айбланмоқдалар.

ОБЪЕКТИВДА — АНГОЛА

Ангола Халқ Республикасининг пойтахти — Луандага бундан 400 йил илгари асос солинган эди. Ҳозир шаҳар иккинчи ёшлигини бошдан кечирмоқда. Бу ерда янги бинолар қад кўтармоқда, саноат корхоналарида иш қизғин боряпти. Янги мактаблар, шифохоналар очилмоқда.

СУРАТЛАРДА: бинокор; Луанда соҳили.

ТАСС фотохроникаси.

Фотоахборот

Меҳнатда пешқадамлар

Шаҳримиздаги кўпгина саноат корхоналарининг коллективлари шу долзарб кунларда Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олиш учун фидокорлик кўрсатмоқдалар. Ўрта Осиё кабель ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари ҳам ана шу мусобақада фаол иштирок этиб, юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Бу ерда меҳнатда бошқаларга ўрнак бўлиб келаётган пешқадам ишчилар кўпчиликни ташкил этади. Корхонада ана шундай илғорларга «Олтин қўлли мастер» фахрли номи берилади.

СУРАТДА: (юқорида) ана шундай шарафли номга сазовор бўлган фидокор ишчи Ю. Кузьмин. У айни пайтда 1984 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Пастдаги суратда: Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси 1-филиалининг қўли гул чевари М. Сулаймонова тасвирланган. У кунлик план-топшириқларини 120 процентга етказиб бажариш билан мусобақада пешқадамлик қилмоқда.

В. Скроткин ва Х. Мирзакаримов фотолари.

ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

• *ДИҚҚАТ, ҚИЗИҚАРЛИ ТАЖРИБА*

ЯХШИЛИК КУРТАКЛАРИ

▲ ТУРАР ЖОЙ ЭКСПЛУАТАЦИЯ УЧАСТКАСИНИНГ ЁРДАМЧИЛАРИ.
▲ ТУРАР ЖОЙЛАР БРИГАДА МЕТОДИ АСОСИДА РЕМОНТ ҚИЛИНМОҚДА.
▲ БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК.
▲ ТАШАББУС ҚУВВАТЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ КЕРАК.

Биз Акмал Икромов районидаги 47-турар жой эксплуатация участкаси ходимлари ва бу ерга тажриба ўрганиш учун келган шаҳардаги бошқа турар жой ташкилотларининг вакилларини антиқа харита олдида учратдик. Унга нигоҳ ташлаш билан дарҳол кўкаламзорлаштирилиши, болалар майдончалари ва сув ҳавзалари қуриш мумкин бўлган, ремонт талаб участкаларни билиб олиш мумкин. Айни пайтда микрорайонда қанча намунали уй борлиги, уларнинг қайсилари ана шундай фахрли ном учун курашаётганлигини англаш мумкин. Харита устида кузатувчи техниклар ва ремонтчи бригадалар муттасил иш олиб боришмоқда.

Турар жой эксплуатация участкасининг хўжалиги оз эмас. У Чилонзорнинг 26-кварталидаги 36 та турар жой биноси, 47 гектардан иборат боғ ва гулзор, «Ёшлик» болалар клуби, 133 гектар тозаланадиган ҳовли территориясидан иборат. Шунга қарамасдан турар жой эксплуатация участкаси коллективи бир неча йилдан буён турар жой фондини намунали сақлаш бўйича социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда, у бир неча марта шаҳар турар жой бошқармасининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланган.

Агар, микрорайонга йўлингиз тушса бу ерда Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейига жиддий тайёргарлик бораётганлигининг гувоҳи бўласиз. Ҳозирнинг ўзидаёқ уйларнинг томлари ремонтдан чиқарилди, территория, балкон ва айвонларда намунали тартиб ўрнатилмоқда. Ободонлаштириш ишлари давом этмоқда. Турар жой эксплуатация участкаси коллективига белгиланган ишларни тез ва сифатли бажаришда турар жойларни асраш бўйича илғор иш усулларини жорий этиш, барча масалалар бўйича кўнгилли ёрдамчилар билан ҳамжиҳатликда иш тутиш катта ёрдам бермоқда.

— Барча хизмат соҳасида энг юксак натижаларга эришиш учун, — дейди 47-турар жой эксплуатация участкасининг бошлиғи П. Расулов, —биз барча территорияни тўртта техник участкага бўлдик. Жорий ремонт ишлари одатда слесарь, сантехник, электр пайвандчи, бўёқчи, дурадгордан иборат турар жой трести мастери бошчилик қилаётган бригада томонидан амалга оширилади. Бригадалар бригада методи асосида ишлашади. Улар зарур бўлиб қолган тақдирда бир-бирларининг ўрнини босишлари мумкин. Квартирадаги авариялар фақат участкадаги ишчи кучи ёрдамида бартараф этилмоқда. Инженерлик коммуникацияларининг ишлари ва аҳолига яратилаётган қулайликни назорат қилиш бўйича турар жой эксплуатация участкаси қошида диспетчерлик хизмати ишлаб турибди. Барча зарур ишлар амалга оширилганидан кейин фақат мастергина эмас, квартиранинг эгаси ҳам имзо чекади. Ҳар бир уйнинг карточкаси алоҳида яшчикда сақланади. Бу квартал ёки йил охирида ҳақиқий аҳволни таҳлил қилиш, ундан келиб чиққан ҳолда, қайси уйда жорий ремонт ишларини амалга оширишни планлаштиришга имкон яратади. Яна бир янгилик яхши натижа берди. Квартал территорияси аккорд-бригада усулида тозаланмоқда.

Микрорайонни ободонлаштириш, турар жой фондини яхши асраш фақат турар жой ташкилоти ходимларигагина боғлиқ деб бўлмайди. Бу ҳақда аҳолининг ўзи ҳам ғамхўрлик кўрсатиши керак. Шунинг учун ҳам турар жой эксплуатация участкаси ҳузурида уй комитетининг вакилларидан иборат назорат комиссияси ташкил этилган. Комиссия аъзолари подъездлар, ҳовли территорияларини текшириш билан бирга камчиликларни аниқлашмоқда, аҳоли ўртасида катта тушунтириш ишлари олиб боришяпти, ўтказилаётган тадбирларга мумкин қадар кўпроқ кишиларни жалб этишга ҳаракат қилишяпти. Жамоатчиликни ўзининг ишончли таянчи деб тушунган 47-турар жой эксплуатация тресті коллективи ўзининг кўнгилли ёрдамчилари билан алоқани мустаҳкамлаб, умумий ҳаракатни микрорайонни юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган районга айлантиришга қаратмоқда. Жумладан аҳоли турар жойларида олиб борилаётган ишларда М. Бретнин, А. Бурцев, М. Евстигнеев, З. Погода, М. Гостиннинкова сингари уй комитетларининг раислари актив иштирок этишмоқда. Микрорайонда территорияни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, орасталаштириш бўйича тез-тез шанбалик ва якшанбаликлар ўтказилмоқда. Болалар спорт майдончалари, подъездларни ремонт қилиш жамоатчилик асосида амалга оширилмоқда. Москваликларнинг ташаббуси асосида уйларни аҳолига социалистик авайлаб-асрашга топширишга тайёргарлик бошлаб юборилди.

Микрорайонда намунали жамоат тартиби ўрнатишга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Суд, прокуратура ходимлари тез-тез лекция ва суҳбатлар ўтказишади, донгдор кишилар билан учрашувлар бўлмоқда. Ҳар куни кечки пайт милиция таянч пунктида корхона ва ташкилотларнинг дружиначилари навбат чиликка чиқишади, турар жой эксплуатациясининг ходимлари эса кўнгилли халқ дружинаси боғичини қўлларига боғлаб олган ҳолда кундузи кузатиш ишларини амалга оширишади.

Турар жой ташкилотида болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга ҳам ғамхўрлик кўрсатиляпти. Ахир микрорайонда 2 мингдан зиёд бола бор. Уларнинг ҳар бирининг дидига мос келадиган машғулот топиб берилди. «Ёшлик» клубида турли хил тўгараклар ишлаб турибди. Ёзги каникул кунларида болалар учун қизиқарли учрашувлар ташкил этилади. Улар ёш томошабинлар театрига, қўғирчоқ театрига, киного, музейга боришади, қизиқарли спорт мусобақаларида қатнашадилар.

—Микрорайонни намунали районга айлантириш учун, — дейди Расулов, — ҳали кўп ишларни амалга оширишимиз керак. Биринчи навбатда бу оталиқ ташкилотлар билан амалга ошириладиган ишларни уйғунлаштириш, турар жой эксплуатация участкасида кадрлар қўнимсизлигини камайтириш, участкани зарур қурилиш материаллари ва механизмлар билан таъминлашга тааллуқли. Бундан ташқари «Ҳар бир турар жой биноси— намунали сақлансин, юксак маданиятли бўлсин» шиори остидаги мусобақанинг ҳақиқий маънода оммавий бўлишига эришишимиз керак.

Бу ҳақиқат. Акмал Икромов районидаги 47-турар жой эксплуатация участкасида турар жой фондини асраш ва эксплуатация қилиш, жамоатчи уй комитетлари фаолиятини активлаштириш, ўзининг ташкилий структурасини такомиллаштириш соҳасида тўпланган тажриба таҳсинга, шаҳардаги барча турар жой ташкилотлари томонидан маъқуллаш ва эътиборга олинишига лойиқдир.

О. КОСТИКОВА.

«Тошкент оқшоми»га хатлар

ЎЗБОШИМЧАЛИК ҚАЧОНГАЧА?

Бизнинг бирлашмамизда иш вақти эрта бошланади. Яхши меҳнат интизоми ўрнатилган. Лекин шунга қарамай, ишга кечикиб келадиганлар ҳам бўлиб туради. Булар қаторига баъзан мен ҳам қўшилиб қоламан. Бунинг асосий сабабларидан бири 134-автобус маршрутида графикка риоя этилмаслигидир.

Ҳайдовчилар учун эрталабки график мутлақо ёт нарса. Улар хоҳлаган жойларидан, яъни қаерда одам кўп тўпланиб турган бўлса ўша ердан шаҳар марказига қайтиб кетаверадилар. Бундан ташқари билетларни чўнтакларига солиб оладиларда, истаган жойларида автобусни тўхтатиб қўйиб, билет сотадилар.

Бундан ташқари автобуснинг «пешонасига» катта ҳарфлар билан «Ғишт заводи»гача деб ёзиб қўйилган бўлишига қарамай, ҳайдовчилар заводга бир километр қолганда ўзбошимчалик билан орқага қайтиб кетишади. Йўл ёмон эмиш. Кунига ғишт заводига қатновчи ўнлаб катта-кичик машиналарга торлик қилмаган кўча автобус учун торлик қилармиш.

Бундан бир неча ой олдин «Оқшом»да босилган танқидий мақолага юборилган жавобда 134-маршрутдаги автобус қатнови яхшиланганлиги хабар қилинган эди. Лекин аҳвол ўша-ўша. 18-автопарк раҳбарлари ҳеч қандай чора кўрмасдан, ёлғон жавоб йўллашган. Буни исботлаш учун 16, 18, 30 апрель, 8, 16, 18 май кунларини кўрсатиш мумкин. Шу кунлари мен бекатга 6.00 да чиқиб, 7.15 гача автобус кутдим. Йўловчи машиналарда ишга кеч қолиб бордим. Мени кеч қолганим учун жазолашди. Лекин гап бунда эмас. Гап барча тармоқ ходимлари каби транспортчиларнинг ҳам ўз бурчларини сидқидилдан бажаришларида деб ўйлайман.

Ф. МУСАЕВ,
В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг инженери.

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«ШАҲРИМИЗ ҲУСНИДАГИ «ДОҒ»ЛАР»

Газетамизнинг шу йил 9 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида бир туркум танқидий хабарлар босилган эди. Унда шаҳримиз ободончилигидаги нуқсонлар танқид қилинган эди. Газетанинг ана шу сонига мутасадди ташкилотлардан жавоб олинди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ободонлаштириш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ш. Н. Шомансуровнинг жавобида айтилишича, мақола Бош бошқарманинг тегишли хизматлари томонидан кўриб чиқилган. Ҳозирги кунгача Гулистон, Ш. Ғуломов ва А. Гайдар кўчалари чиқиндилардан тозаланган ва уларнинг санитария ҳолати назорат остига олинган. Конибодом, Шаҳристон ва Батуми кўчаларидаги томорқаларни йўқотиш ва тўсиқларни олиб ташлаш Киров райони ободонлаштириш бошқармасига топширилган.

Кесилган дарахтлардан фойдаланиш масаласига келганда шуни айтиш керакки, 1982 йилдан бошлаб Бош бошқармага қарашли ихтисослашган ирригация ремонт-қурилиш тресті томонидан ёғоч чиқиндилари, кесилган дарахт шохларидан халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ўзлаштириляпти. Қаламлар, супурги дасталари ва бошқа буюмлар тайёрланяпти. Бу йил манзарали стул ва столлар ишлаб чиқариш ўзлаштириляпти.

▲

«Водоканал» трестининг водопровод тармоқлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Г. В. Александровдан олинган жавобда хабар қилинишича, Озарбайжон ва Шчорс кўчалари оралиғида рўй берган авария 4 апрель куни бартараф этилган. Қайта текшириш пайтида яна бироз сув оқиб ётганлиги аниқланган. Бу камчилик 12 май куни бартараф этилди. Ҳозир авария рўй берган жой ободонлаштириб қўйилди.

▲

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасидан олинган жавобда айтилишича, мақолада кўрсатилган камчиликлар бартараф этилган. Бешқайрағоч ва Кўкча бекатларидаги ўриндиқлар ва сумкалар осиб қўйиладиган илгичлар тартибга келтирилган.

Қисқа хабарлар

Суданнинг Хартумдан 120 километр жанубишарқдаги Хасихейса шаҳрида чиққан ёнғин натижасида мамлакатдаги энг замонавий пахта тозалаш заводларидан бири тамоман ёниб кетди. Экспорт учун мўлжалланган пахтанинг жуда катта запаси нобуд бўлди.

Ёнғиндан кўрилган зарар 15 миллион Судан фунтига етади.

* * *

Саудия Арабистони соҳили билан орол давлат Баҳрайн ўртасида катта улкан кўприк қуриш бошланди. Катар янгиликлар агентлигининг хабар қилишича, ҳозиргача кўприкнинг баландлиги 26 метр бўлган 50 та кучли темир-бетон таянчи ўрнатилган. Бу эса жуда катта денгиз кемаларининг кўприк остидан бемалол ўтишини таъминлайди. Лойиҳага кўра, 2000 йилда ишга туширилиши лозим бўлган кўприкнинг узунлиги 25 километр бўлади. Кўприк устидан ҳар куни 30 мингтадан кўп автомашина ўтиши мумкин.

* * *

Туркияда бир қанча дорилар нархи анча ошди. Қимматчиликнинг тобора ўсиши меҳнаткашлар турмушига ҳалокатли таъсир кўрсатмоқда. Маҳаллий матбуотнинг хабар қилишича, ўтган йилнинг ўзидагина кенг истеъмол моллари шу жумладан озиқ-овқат маҳулотлари 30 процент қимматлашган.

* * *

Япониядаги Хиросима шаҳри бошлиғи Такэси Араки Американинг Невада штатидаги атом полигонида ядро қуроли навбатдаги синови ўтказилишига қарши АҚШ ҳукуматига норозилик телеграммаси юборди. Хиросима шаҳар бошлиғи Америка бомбардимонининг қурбони бўлган шаҳар аҳолиси номидан йўлланган бу телеграммасида инсониятни уруш оловида ҳалок бўлишидан қутқазиб қолишнинг бирдан-бир йўли —ядро қуролини тугатишдир, деб ёзди.

Хушхулқликнинг мана бу нишоналарини унутманг: ўз нафсингизга инсоф беринг; кўпчилик тўғри деб топган нарсага нотўғри деб қараманг; агар гуноҳкор сиздан узр сўраса, узрини қабул қилинг. Эл-юрт ғами доим ёдингизда бўлсин; одамлар билан ширин муомала қилишни ҳеч канда қилманг.

ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ.

Одоб-ахлоқ ҳақида

оқшом суҳбатлари

№ 48

Оила даврасида

ОҚИБАТ

Собир «гап»дан ҳуноб бўлиб қайтаркан, уйга етиб келганини ҳам билмади, миясига худди қовоқ ари кириб қолгандек ғувулларди. Фикрлари чувалашиб кетганди. Ким нима деганини эслолмади...

У дарвозага яқинлашганда кўнгли айниб, ғалати бўлиб кетди. Ўнг қўли билан юрагини чангаллади. Ёлғиз ўғлининг ҳаяллаганига хавотир олиб йўлакда ўтирган Ҳадича хола Собирнинг ранги қув ўчганини кўрди-ю, капалаги учиб кетди.

— Вой болам, нима бўлди? Мазанг йўқми? — Ҳадича хола ўғлининг қўлтиғидан суяб уйга етаклади.

— Ҳой Салтанатхон, бу ёққа қаранг қизим, — кампир келинини ёрдамга чақирди.

Ошхонани йиғиштираётган Салтанатхон шоша-пиша қўлини фартуғига артиб, йўлакка югурди:

— Тинчликми, Собир ака? — у эрини қўлтиғидан олди.

— Йўқол! — деди Собир унга ўкрайиб. —Сени деб шарманда бўлдим, аблаҳ!

— Вой, нима деяпсан ўғлим, эсингни йиғ, — Ҳадича хола ўғлини босмоқчи, таскин топтирмоқчи бўлди.

— Етар шунча шарманда бўлганим. Ўн йил бўлди-я!.. Фарзандсизман. Эшикдан чиқсам одамлар худди хезалак деб тош отаётгандай бўляпти. Мана бугун Жўра полвон хезалак деди.

Собирнинг кайфи анча ошиб қолганди. Уни бир амаллаб катта зал-уйга, диванга ётқизишди. Салтанат эса кичик хонага кирди-ю, ҳўнграб йиғлади, тонг отаргача мижжа қоқмади. Кейин столга ўтирди-да, Собиржон акасига умрида биринчи марта хат ёзди...

«Собиржон ака! Биласиз, севишиб турмуш қурганмиз, ўн йил тотув яшадик. Лекин бизга фарзанд ато бўлмади. Сизнинг таъна тошларинг и з-дан бир кун кўза синишини билардим, ўша кун келди. Минг афсус... Ўзим ҳам кетмоқчи эдим. Кетяпман, лекин ёлғиз ўзим кетяпман. Рози бўлинг. Хайр!».

Собир ҳайкалдай қотиб қолди. Назарида, қалбининг тўри, уйи ҳувиллаб қолгандай, кимсасиз хона худди уни ютиб юбораётгандай туюлди. Шошиб ойисининг хонасига кирди.

Ҳадича хола танчанинг бир чеккасида ҳолсизгина ётар, курси устида валидол турарди.

Собир эгилиб онасининг юзидан ўпди.

— Кечиринг, ойижон, хато қилдим. Сизни қийнадим...

Ҳадича хола гапиролмади. Сўник кўзлари ёшланди, ўғлига сездирмаслик учун юзини девор томонга бурди.

...Ҳадича холанинг касали тобора оғирлашди. Орадан икки ҳафта ўтди. Бир кун ярим кечада Ҳадича хола ўғлини туртди:

— Тур болам, мен билан хайрлаш, рози бўл, мен сендан розиман...

Собир ўрнидан сапчиб турди.

— Нима деяпсиз ойи,—у бошини ойисининг кўксига қўйди.

— Ойижоним!..

Ҳадича хола базўр бир хўрсинди-ю, тинчиб қолди. Собир даҳшатдан қотиб қолди.

Пешинга яқин марҳумани сўнгги манзилга кузатишди. Салтанат ўша заҳоти етиб келди. Елиб-югуриб маросимларни ўтказди. Лекин у илгариги Салтанат эмасди. Озиб-тўзиган, юзлари сўлгин эди. У Собиржон билан гаплашмасди, кундузи келиб хизмат қилар, кечқурун ота-онасиникига кетарди.

Собир сезгир, зийрак йигит эди. Салтанатнинг хатти-ҳаракатидан «Энди ҳаммаси тамом» деган маънони уқди. У шу қисқа муддатли ёлғизликда ҳаммасини тарозуга солган, ўрни келса қилмиши учун кечирим сўрашга тайёр эди.

Салтанатхон бир маҳаллада яшаганликлари учун Собирнинг аҳволидан хабардор эди. Унга ич-ичидан ачинарди. Борай деса, аёллик ғурури йўл қўймасди. Хати-чи, хати, нималар деб ёзди ўзи. Энди Собирнинг бетига қандай қарайди. Изтироблар оғушида қолган Салтанат ўзини қўлга олди: «Мен уни қутқаришим керак».

У бир дам олиш куни уйга қуёшдек чарақлаб кириб келди. Салтанатхон шундай ажойиб йигитни, суюкли эрини ичкилик ботқоғидан қутқариб қолишга, чин инсон бўлишига кўмаклашиш учун келган эди...

Шундай бўлди. Собиржон ичкиликдан тийилди. Врачларга ўзини кўрсатиб, ҳар томонлама даволанди. Орадан бир ярим йил ўтди. Салтанатхонни кўрган гинеколог врач фарзандлик бўлганини айтганда, назарида гўё олам яшнаб кетди. Бу севинчли хабарни эшитганда Собиржоннинг кўзларига севинчдан ёш қалқди.

Тўхтамурод ТОШЕВ.

«ИНСОН — ҲАЁТ ГУЛТОЖИ» АНКЕТАСИ

саволларига Тошкент шаҳар ДОСААФ комитетининг раиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, уруш ветеранлари Совет комитети Тошкент секцияси раисининг ўринбосари Шодмон УМАРОВ жавоб беради:

1. Инсонийлик деганда қайси фазилатларни тушунасиз?

2. Қандай одамни ёмон кўрасиз ва нима учун?

3. Умрингиздаги энг бахтиёр дамларни айтсангиз.

4. Эътиқод масаласига қандай қарайсиз?

5. Оилада, фарзандларга муносабатда энг муҳим нарса нима деб ҳисоблайсиз?

6. Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?

1. Инсон деган сўзнинг бир олам мазмуни бор. Чинакам инсонда қалб ҳам, сўз ҳам, одоб ҳам гўзал бўлади. Одамлар билан муомала-муносабатда, бажарадиган ишида сидқидил, ҳалол, камтар бўлса, уни ҳамма севади. Маълумки, бизда паст-баланд касб-ҳунар йўқ. Ишчи ҳам, чўпон ҳам, шифокор ҳам, пахтакор ҳам, мураббий-ўқит у в ч и ҳам, хуллас ҳамма соҳа кишилари бирдек эъзозланади. Ўз касбига меҳр қўйиб, шу касби орқали одамларга ҳалол хизмат қилаётган ҳар бир меҳнаткаш инсоний инсондир. Улуғ Ватан урушида бутун совет халқи бир жон, бир тан бўлиб фашист босқинчиларига қақшатқич зарба берди. Ана ўша йилларда ҳар бир совет кишиси жасорат кўрсатди, ўз инсонийлигини намоён этди.

Она-Ватанни севиш, ўз халқини севиш, унга садоқатли ва жасоратли фарзанд бўлишни инсонийлик чўққиси деб биламан.

Ҳар бир кишида юксак инсоний фазилатни таркиб топтириш керак. Бу йўлда оила, ота-она, катта ёшдагилар, мактаб, институт, коллектив ва бутун жамоатчилик тарбияси, таъсири ва намунаси жуда катта аҳамиятга эга бўлади. Инсоний инсонни яратиш қийин, лекин бу шарафли, эътиқодли ва муқаддас бурчимиздир.

2. Очиқ гап, одамнинг ёмони бўлмайди. Ҳеч бир одам онадан ёмон бўлиб туғилмайди. Лекин яхшилар бор экан, гуруч ичида курмак бор бўлганидек, ёмонлар ҳам учраб туради. Ёмон бўлишга сабаб — ёмон тарбия, кибру ҳаво, шахсиятпарастлик каби иллатлардир. Орамизда фақат ўз манфаатини, фақат ўз фаровонлигини ўйлайдиган худбинлар ҳам учраб қолади. Улар назарларида ўзларини ақлли, энг ишбилармон кишилар ҳисоблаб, кўпчиликдан кўра яхши яшашни ўйлайдилар: енгил-елпи «иш» топиб олиб, ҳаром йўл билан бойлик тўплашади, сўнг манманлик қилиб ҳалол меҳнаткаш одамлар устидан кулиб ҳам қўйишади. Мен ана шундай шахсиятпараст, худбин, ҳаромхўр, зарпечакдек текинхўр бандаларни ёмон кўраман.

Истардимки, пок ва софдил одамлар шундай худбинларга зарба бериб, уларнинг бебошдоқ жиловларини тортиб қўйишса, гўзал ва фаровон жамиятимиз ҳуснидаги бу доғлар йўқолса.

3. Бахт тушунчаси жуда кенг маъно касб этади. Аввало шуки, мен Советлар мамлакатида, 1918 йили Қашқадарё областидаги Урус қишлоғида деҳқон оиласида туғилдим. Шаҳрисабздаги етти йиллик мактабни тугатиб, меҳнат фаолиятимни оддий колхозчиликдан бошладим. 1935 йили Ленин комсомоли сафига ўтиб, Бухорода бош пионервожатийлар тайёрлайдиган курсни битирдим. Энг бахтли кун келди, 1938 йили Ватан фарзанди сифатида мен Совет Армияси сафига чақирилдим. Армияда пиёда аскарлар қисмига тушдим. Бир йиллик пиёда аскарлик курсида ўқидим. Лейтенант бўлдим. Бироз хизмат қилгач, 1941 йили Тбилиси шаҳридаги пиёда аскарлар билим юртига юборилдим. Уни 1942 йилда тамомладим. Дастлаб Брянскда жангга кирдим. Бу — 1942 йилнинг июль ойи эди. Ҳали-ҳали эсимда. Бу уруш эмас, даҳшат эди. Азиз ватандошларим душман билан аёвсиз жангларда матонат кўрсатдилар, она-Ватан учун жон бердилар. Мен ўнг оёғимдан яраланиб, Пенза шаҳридаги госпиталда даволандим, яна жанг майдонига қайтиб ҳалок бўлган дўстларим, учун, она-Ватан, жонажон Коммунистик партиямиз учун босқинчилардан қасос олдим. Ватан менинг жасоратимни тақдирлаб Совет Иттифоқи Қаҳрамони юксак мукофотини берди. Мен ғоят бахтли эдим. Жангларда кўрсатган хизматларим учун икки марта жанговар Қизил Байроқ, Қизил Юлдуз, учинчи даражали СССР Қуролли Кучлари ордени ва ўн бешдан ортиқ медаллар олдим. 1949 йилда Москвада Фрунзе номидаги ҳарбий академияни тамомладим. Қарийб 35 йил Совет Қуролли Кучлари сафида хизмат қилдим. 1975 йилда истеъфога чиқдим, шу йилдан Тошкент шаҳар ДОСААФ комитетининг раисиман. Улуғ Ватан уруши ветеранлари билан ишлайман. Учрашувларда қатнашаман. Мен ҳур республикамнинг бахтли фарзандиман.

4. Эътиқод — машъал! Бу машъални бизга доҳиймиз В. И. Ленин ёқиб берган. Она-Ватанга, унинг равнақига ва юксалишига бўлган эътиқодимиз билан шонли манзилга — коммунизмга олиб боради.

5. Болалар тарбияси хусусида қисқача бўлса-да, биринчи саволдаги инсонийлик фазилатларида тўхталгандим. Болаларни гулни парваришлагандек парваришлаш керак. Демак, болаларни ростгўй, ҳалол, меҳнаткаш, уддабурон қилиб тарбиялаш лозим. Улар социалистик Ватанга, халққа, ота-онага содиқ бўлишсин. Мен ҳам умр йўлдошим — Зоя Умарова билан уч фарзанд тарбияладик. Фарзандларим Ватанимга содиқ кишилар бўлиб етишганидан хурсандман.

6. Бўш вақтим деярли йўқ. Кўпроқ вақтим ишда, ёшлар билан учрашувларда ўтади. Шундай бўлсада, ўз боғ ҳовлимда жисмоний меҳнат қиламан. Ҳарбий китобларни, дунё воқеаларини мунтазам кузатиб бораман. Ҳафтада бир-икки бор рафиқам билан кинога тушамиз.

Анкета саволларига жавобларни

Ҳ. ҲАБИБУЛЛАЕВ ёзиб олди.

Одамлар орасида

ЁН ҚЎШНИМ — ЖОН ҚЎШНИМ

Янги уйга кўчиб келишди-ю, Салимахон эрини қийин-қистовга олди: «Қўшни хотинлар билан танишиб олишим керак, уларни меҳмонга чақираман». Салимахон боши кўкка етган ҳолда ўзи турадиган подъезддаги хотинларни ўтиришга таклиф қилиб юраркан, учинчи қаватдаги бир квартиранинг эшигини қоқди. Ичкаридан «Ким?» деган дағал товуш эшитилди.

— Мен, янги кўчиб келган қўшнингиз бўламан.

— Нима ишингиз бор эди, гапиraveринг, эшикни очсам болаларим шамоллайди! — деган овоз эшитилди.

Салимахон уни ўтиришга таклиф қилиб, пастга тушиб кетди. Ўйлади: «Ё тавба, эшикни очса ҳам бола шамоллаб қоларканми?»

Меҳмондорчи л и к бошланиб кетганига анча бўлган бўлса ҳам, ҳалиги қўшни чиқмади, Салимахон уни чақириб чиқмоқчи бўлди. Шу пайт уни Сора хола тўхтатди:

— Овора бўлманг, қизим, барибир у чиқмайди.

— Нега? — ҳайрон бўлди Салимахон.

— Мана саккиз йил бўлибдики, Дилбарнинг бирорта қўшникига кирганини билмаймиз, — гап бошлади кампир, — маҳалламиз аёллари жуда аҳил, тўй бўлса, бирор маросим бўлса дарров йиғилишиб, бир-биримизга ёрдам бериб юборамиз, яхши кунларда бир-биримизни йўқлаб турамиз. У эса сира қўшилмайди.

— Нега энди, бирор сабаби бордир-да.

— Сабаби аниқ, — деди ўтирганлардан бири, — аввалари машина сотиб олмоқчимиз, шунга пул йиғяпмиз, дер эди. Мана, машина сотиб олишганига ҳам тўрт йил бўляпти, ҳамон ўша-ўша.

— Э, бу бир баҳона, — сўзни шартта бўлди ўрта ёшлардаги бир аёл, — у олифта, бировнинг пиёласидан чой ичгани ҳазар қилади.

Чиндан ҳам Дилбар қўшниларникига чиқмас, ҳеч кимга аралашмас эди. Ахир, қўни-қўшни иноқ бўлиши, бир-бирининг ҳолидан хабар олиши керак-ку, «Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши» деган гап ҳам бежиз айтилган эмас.

Салимахонларни н г уйида бўлган ўша меҳмондорчиликдан кейин уч кун ўтди-ю, Дилбархоннинг уйида бир кўнгилсиз воқеа юз берди.

Кун тушдан салгина оғган эди. Салимахон энди заводдан ишдан келиб турганди, Дилбархоннинг уйидан болаларининг «қий-чуви» эшитилиб қолди. Салимахон югуриб чиқди. Уйга кириб қараса, Дилбархон ваннахонада беҳуш чўзилиб ётибди. Дарров уни суяб турғизди, болаларни тинчлантирди: «Ойинг ҳозир яхши бўлиб қоладилар».

Дилбар қаро терга тушиб кетганди: «Нима бўлди, Дилбархон» деб куйиниб сўради Салимахон. У гапирмади, нуқул қорнини ушлаб инграр, тўлғанар эди. Салимахон тезда қўшниларникига чиқиб, телефонда «Тез ёрдам» машинасини чақирди.

Врачлар Дилбархонни кўриб, уни касалхонага олиб кетишди. Салимахон унинг катта-кичик уч фарзандини кечқурун дадалари келгунча ўз уйида боқиб ўтирди.

Эртаси куни ҳаммаси аён бўлди. Дилбархон ваннага энгашиб кир ювaётганда ичаги қайрилиб қолган экан. У операция бўлди, бир ярим ойдан кейин касалхонадан тузалиб келди.

Агар ўша куни Салимахон ён қўшниси — Дилбархоннинг ҳолидан хабар олмаганда кўнгилсиз воқеа бўлиши мумкин эди.

Уйда яшовчи қўшнилар ўртасида бу гап тарқалди. Одамлар яхши-да, Дилбархонни кўргани касалхонага боришди, тузалиб келгач, кўнгил сўрагани уйига ҳам чиқишди.

— Мен хато қилибман, қўни-қўшниларга қўшилиб, улар билан ҳамфикр, ҳамдард бўлишим керак экан, энди кўзим очилди, — деб афсус чекди Дилбархон.

Ҳа, у ҳаётда бир қоқилиб кўзи очилди.

М. ҲАСАНОВ.

Яхши фазилатли кишилар

НУРЛИ УМР

Дунёда шундай одамлар бўладики, улар буюк ва қудратли ишларни амалга оширишмайди, ўзларининг камтарин меҳнати ва касбига садоқати билан элга танилади. Кундалик хизмат жойи бўлган ишхонаси ҳамда маҳалласида обрў-эътибор қозонади.

Киров районининг Ҳурматли кўчасида истиқомат қилувчи Билол Мўминов ҳам худди ана шундай инсонлардан. У ўзининг камтаринлиги ва заҳматкашлиги билан эл обрўсига сазовор бўлган.

Улуғ Ватан урушининг бошидан охиригача халқимиз озодлиги, Ватан бахт-саодати йўлида қўлига қурол олиб муқаддас тупроғимизни ҳимоя қилган Билол ака урушдан қайтгач тинч меҳнат қучоғига шўнғиди. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриётида оддий ҳарф терувчи бўлиб иш бошлади. Ўзининг тиришқоқлиги ва ишбилармонлиги билан касбдошлари эътиборини қозонган Б. Мўминов мастерлик даражасигача кўтарилди. Унинг самарали меҳнатлари партия ва ҳукуматимиз томонидан ҳам муносиб тақдирланди. Б. Мўминов «Ҳурмат белгиси» ордени, олтита медаль, тўрт марта Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди. Унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилган.

Эндиликда Билол ака қарилик гаштини суряпти. Лекин у шунга қарамай тиниб-тинчимайди. Маҳалладаги ҳар бир хайрли ишга бош-қош бўлади. Мана шунинг учун ҳам маҳалла аҳли унинг номини ҳурмат билан тилга олади. Билол аканинг уч ўғил ва икки қизи ҳам камтарлиги ва одоби билан эл оғзига тушган.

Куни-кеча бу хонадонга дўстлар, маҳалладошлар, қариндош-уруғлар тўпланишди. Улар Билол ака ва унинг рафиқаси Қутби Мўминоваларнинг кумуш тўйларини нишонлашди.

* * *

СУРАТДА: Билол ва Қутби Мўминовалар ўз набиралари билан.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

ВАҚТИ БОРНИНГ — БАХТИ БОР

Ишхона — иккинчи уйимиз

— Қаранг, уй ҳувиллаб қолди. Сиз мендан Саломатхонни сўрадингизми, қизим? Саломатхон ҳам, Кароматхон ҳам, Дилбархон ҳам — ҳаммалари ишда. Ҳаммалари бири олдин, бири кетин уйдан чиқиб кетишади. Кунларининг энг ёруғ вақтлари ишхоналарида ўтади.

Дарвоқе, сиз Саломатхонни сўрадингиз-а? Дугонангизнинг шу кунларда шашти бир оз пастроқ. Келинларим мендан сирларини яширишмайди. Сирасини айтганда, мен ҳам қирқ йил бир корхонада ишлаб, амакингиз билан бирга болаларни катта қилганмиз. Ишхонадан келдим дегунча, уйдагилар руҳиятимдан куним қандай ўтганлигини билиб олишарди. Мен ҳам уларнинг ранг кўр—ҳол сўр, қабилидаги кузатишларига кўниккан эдим...

Яна гапимни буриб юбордим, чоғи. Кечирасиз. Олинг, дастурхонга қаранг... Хуллас, Саломатхоннинг шашти пастроқ. Уни бошқа бўлимга бошлиқ қилиб тайинлашибди. Етти йилдан бери бир ерда ишларди, келингинам. Обрўси ҳам, ишлари ҳам биб-бинойидек эди... Янгининг янги одамларга муомаласи ҳам бошқача бўлади. Келинимга бу ҳақда ҳар куни гапираман. Ишини билса, вазифасини тўғри уддаласа, деймандa, айланай. Аммо «минғир-минғир» гапни ҳамма ерда ҳам топиш мумкин. Бир донишманд, нима ёмон—гап ёмон, нима оғир— гап оғир, агар тилингни тиймасанг, жиловингни шайтонга бериб қўясан — деган экан. Саломатхоннинг тили тезроқ, молнинг айби эгасига сир эмас, сиз ҳам яхши биларсиз буни. «Бошлиқ одам ишхонада ҳам шундай тезлик қиляптимикан?» —деб қўрқаман. Қўлида ўзига ўхшаган оилали одамлар ишлайди. Кимнингдир кайфияти уйидан кўтарилиб чиқса, кимники тушиб келиши турган гап. Турмушда нималар бўлмайди, дейсиз? Эрталабдан ҳаммаси бир ерда ўтиришади. Умрининг маълум соатлари (яна қандай соатлари денг) ўша ерда ўтади. Шундай пайтда сени тушунадиган, дардингни, ҳасратингни биладиган, (гапни гапир— уққанга, жонни жонга — суққанга, дегандек) дилкаш одамларинг бўлса қандай яхши.

Тунов куни Лутфининг қизини кўриб қолдим. Саломатхоннинг қўлида ишлар экан. Боласини санаторийга юбормоқчи эканлигини (Қрим тарафга), бунинг учун анча сарсон бўлаётганини куйиниб сўзлади. Келиб келинимга айтдим, бир оғиз қўнғироқ қилиб, унинг ишини тўғриласангиз бўларди-ку, дедим. Аввал тажанглашди у, аммо кўнди, болагинам. Мен ҳам хурсанд, Саломатхон ҳам хурсанд энди. Одамларга ўзининг кераклигини билиш инсонга нақадар бахт!

Айтгандек, бир шеър ўқиб қолдим. Дилимдагини ёзибди шоир. Нимчамнинг чўнтагига солиб қўйгандим. Ҳа, мана экан. Ойнагим йўқ эди, ўқинг айланай, бир эшитай.

Вақти борлар —
нақди борлар
Ҳавасимдадир.
Вақтни чўзмоқ
аҳди ҳар бир
Нафасимдадир.
Сенда вақтдан
бошқа нарса
Йўқдир, айтарли,
Менда вақтдан
бошқа ҳамма
Нарса етарли!

Бор бўлинг, болам. Ростдан ҳам вақти ўтаётганлигини сезмай, ҳаёт ташвишлари билан елиб-югуриб яшаётганларга ҳавасим келади. Вақти бўлиб, вақт қадрини тушунмайдиганлар г а ачинаман. Мен ҳам пенсияга чиқиб, ишсиз қоламан деб қўрққандим. Йўқ, кичкина неварамга қараяпман. Келинларим келгунча супурсидир, ош-овқатдан қўлим бўшамайди. Ҳовлимга ҳамма кўкатлардан тортиб, помидор, картошкагача экканман. Яна қўй боқишимни айтмайсизми? Улар ҳар олти ойда қўзилаб, кўпайиб кетишди (сигир, товуқлар ҳам бор). Гўшт, тухум, сут-қатиқни сотиб олмаймиз. Ўғилларим қаригaнингизда кўпам жонингизни қийнаманг, дейишади. Йўқ, айланай, қариганда ишсиз қолмасин одамзод. Чолим иккаламиз кенг ҳовлида паррандa, даррандалар ташвиши билан елиб-югурамиз. Бунда ҳикмат кўп...

Тунов куни қизим Кароматхоннинг ишхонасига боргандим. Биласиз, фабрикада ишлайди. Ана ишхона-ю, мана ишхона. Бамисоли катта хонадонга киргандек бўлдим. Бу аквариумдаги балиқлару тувакдаги гуллар, сайр қилиб юрган тустовуқлар, қафасдаги сайроқи қушлар... Бир-биридан чиройли, ёқимтой қизларни айтмайсизми? Қизимнинг ишхонасига мафтун бўлиб қолдим.

Ишхонанг — иккинчи уйинг, деб бекор айтишмайди, ахир! Ишхонада ҳам меҳнат қилиб, ҳам яйраб ҳордиқ олиб кетганга нима етсин! Меҳнат жараёнида муомалада бўлган кишиларнинг сенга самимийлиги, хушфеъллиги ва ҳазил-ҳузуллари билан шодлик улашса деймaн. Вақти борнинг —бахти бор, дейишади. Одамзод ҳам оила ташвиши, ҳам корхонадаги меҳнат юки билан қуёш чиқиб, яна унинг ботишини, умр соатларини бир пастда ўтказиб юборишади. Уйимиз келинларим учун, шанба ва якшанбани ҳисобга олмаганда, бамисоли меҳмонхонага айланади. Бир қошиқ овқатларини еб, ётиб-туриб кетишга келишади гўё. Шундай экан, ҳаммалари иш жойларида очиқ кўнгил одамлар даврасида бўлишса, ишларида унум, ишхоналарида қўним бўлиши учун тоза обиҳаволи даргоҳда ишласа деймaн. Ҳаммалари бахтли. Улардан мингдан-минг розиман, хурсандман.

Вой, айланай, қизим, нималарни ўйлаб қолдингиз, бу холангиз жуда эзма. Олинг, дастурхонга қаранг... Ҳализамон келинларим келиб қолишади. Ишқилиб ҳаммаларининг чиройи очиқ келсин-да. Ишхоналаридаги кайфият хонадонимиздаги кайфиятга жуда ҳам боғлиқда, ахир!

Онахоннинг гапларини оққа кўчирувчи:

У. АБДУАЗИМОВА.

Яхши хислат — гўзал фазилат

ТОШ ОДАМ

Олам нурга тўлган баҳор кунлари эди. Қорақамиш массивидаги бозорда, йўлларда одам гавжум. Кимдир шошиб боради, кимдир дам олиб, айланиб юрибди. Шу пайт... шу пайт кўчани шошиб кесиб ўтмоқчи бўлган бир аёлни трамвай туртиб юборди. Ёшгина бу аёл йўл четига, бекатдаги темир тўсиқ ёнига беҳуш чўзилиб тушди.

— Вой, қаранглар, ёрдам беринглар- — деб қичқирди ўрта ёш бир хотин.

Шундай бекатда турган бўйни йўғон, калласи қовоқдек, бақа кўз йигит олдин қичқирган хотинга, кейин ҳозиргина йиқилган ёш аёлга бепарвогина тикилди. «Нима бўляпти ҳам демай» ёнидан сигарет олиб тутатди-да, бекатдаги тутқичга суяниб, тескари қараб олди.

— Ҳой, болам, анави йиқилган жувонга ёрдамлашинг, — деди унинг ёнида турган камонқад кампир.

Сўлоқмондай йигит папирос тутунини оғзидан бурқситиб чиқараркан, индамади, кейин кампирнинг илтижоли кўзига бир қараб ноилож: «Менинг вақтим йўқ», деди. Бу гапни ҳам эринибгина, зўрға айтди. Шу пайтда беҳуш ёш жувоннинг атрофини меҳрибон одамлар, куйинчак одамлар ўраб олганди: кимдир сув ичирди, икки-уч киши уни суяб, елпиб тасалли берди. Студент йигит телефонга югурди. Бир зумда «Тез ёрдам» машинаси келди, беморни шифохонага олиб кетди.

Бекатдаги совуқ темир тўсқичга суянганча ҳалиги тўнкасимон йигит бурқситиб сигарет чекиб турар, у ҳамон бепарво. «дунёни сув босса тўпиғига чиқмас» даражада лоқайд, ланж эди.

Мен беҳуш жувонга меҳрибонлик кўрсатган, жонкаш-жафокаш бўлган яхши одамларнинг қалби дарёлигини кўз ўнгимга келтириб, мана бу сўхтаси совуқ йигит ҳақида ўйланиб қолдим.

— Лоқайд шу кишида ҳам қалб бормикин? Инсоний меҳр бормикин?

Яна ўйланиб қолдим: — Йўқ, бу одамнинг кўксида юрак ўрнида кафтдек тош туради. Шунинг учун у ҳаётга лоқайд қарайди, қимир этмайди. Уни тош одам дейиш керак.

Д. ПУЛАТОВА.

Редактор

Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИДА
АБОНЕМЕНТЛАР ТАРҚАТИЛАДИ

4, 5, 11, 12, 18, 19, 25 ва 26 июнда—А. ВИНОГРАДОВнинг «ОСУЖДЕНИЕ ПАГАНИНИ» китобига ҳар бир қабул пунктида 150 тадан абонемент берилади.

Абонемент бир йўла камида 10 килограмм макулатура топширган кишиларгагина берилади.

Абонемент 20 килограмм макулатура топширилгандан кейингина ана шу китобни олиш ҳуқуқини беради.

Маркага макулатура қабул қилиш абонемент кўрсатилганидан кейингина амалга оширилади.

Топширилган макулатурага пул 52-01 прейскурантига биноан иккиламчи хом ашёларга белгиланган харид баҳолари бўйича тўланади.

Пунктларнинг иш вақти — соат 9.00 дан 19.00 гача: танаффус —соат 13.00 дан 14.00 гача.

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ-МАГАЗИНЛАРИНИНГ АДРЕСЛАРИ:

ОКТЯБРЬ РАЙОНИДА

1 — Узбекистон ССР 50 йиллиги номли проспект, Марказ—15.
5 — Уйғур кўчаси (Кўкча колхоз бозори).
9 — Зиё Саид кўчаси.
35 — У. Юсупов кўчаси.
51 — Беруний кўчаси.
54 — Оқтепа массиви, 19«а»-уй.

С. РАҲИМОВ РАЙОНИДА

2 — Форобий кўчаси, Чиғатой дарвоза маҳалласи.
10 — 1/3-Қорақамиш массиви.
11 — 2/4-Қорақамиш массиви.
23 — ТошМИ массиви.
30 —1/4-Қорақамиш массиви (колхоз бозори).
42 — 1/2-Қорақамиш массиви (савдо маркази ёнида).
50 — Чимбой кўчаси.
56 — 2-Тансиқбоев массиви;
61 — Марказ-17/18 массиви;
62 — Қорасарой кўчаси («Ташгрушка» фабрикаси яқинида).

ЛЕНИН РАЙОНИДА

3 — Қўйлиқ бозори.
24 — Мирсолиҳов кўчаси, 19-уй.
31 — 2-Қўйлиқ массиви, Савдо маркази.
47 — Малая Госпитальная кўчаси, 4-уй.
48 — Куйбишев шоссеси, 818-уй.
49 — Павлов кўчаси, 10-уй.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИДА

4 — «Ташавтомаш» массиви.
22 — Циолковский кўчаси (касб касалликлари институти қаршисида).
26 — М. Горький проспекти.
32 — Луначарский шоссеси, 301-уй.
33 — Морозов кўчаси, кабель заводи бозори.
34 — Улуғбек посёлкаси, ядро физикаси институти.
37 — 2-Қорасув массиви.

ҲАМЗА РАЙОНИДА

6 — Янгиобод массиви.
25 — Бирлашган кўчаси, автостанция.
52 — Шумилов шаҳарчаси («Мир» ёзги кинотеатри ёнида).
29 — Қурувчилар кўчаси, 38-уй.
89 — 4-турар жой шаҳарчаси, Шолохов кўчаси, 1«а»-кварталь.
60 — Лисунов кўчаси (Лисунов номли кинотеатр ёнида).

КИРОВ РАЙОНИДА

7 — Юнусобод массиви, Б—1.
19 — Ж. Обидова кўчаси, 20-уй.
20 — Олой бозори.
27 — Юнусобод массиви, А—3.
46 — Юнусобод массиви, СБ—4А микрорайони.
53 — «ТашГРЭС» микрорайони.

А. ИКРОМОВ РАЙОНИДА

8 — Фарҳод ярмаркаси.
13 — Чилонзор массиви, 24-квартал, 63-уй, 62-квартира.
16 — Чилонзор массиви, 12-квартал, 23-уй; 39-квартира.
17 — Чилонзор массиви, 24-квартал, 15-уй, 24-квартира.
40 — Чилонзор массиви, 14-квартал.
36 — Октябрь массиви, Ибрат кўчаси.
45 — 5-Атоий проезди, 6«а»-уй.
58 — «Октябрь» массиви, Садоқат кўчаси, 2-проезд.

ФРУНЗЕ РАЙОНИДА

12 — Ивановолик тўқувчилар кўчаси (Тўқимачилик комбинати қаршисида).
28 — Первомайск колхоз бозори.
38 — Б. Хмельницкий кўчаси, 67-уй, 8-корпус.
59 — К. Финская кўчаси,

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДА

14 — Чилонзор массиви, 18-квартал, 10«а»-уй, 1-квартира.
15 — Чилонзор массиви, 1-квартал, 1-уй.
41 — Чилонзор массиви, Пионерская кўчаси, 1«а»-уй.
21 — Чилонзор массиви, 20-квартал, С. Сегизбоев кўчаси.
55 — Мевазор маҳалласи, Машраб кўчаси.

СЕРГЕЛИ РАЙОНИДА

18 — Спутник массиви, Марказ—3, 5-уй.
44 — 1-Сергели массиви.
43 — Сергели массиви, Савдо маркази.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Макулатуралар газета, китоб-журнал, рўзғор картони ва ўраш қоғози турларига қараб алоҳида ўрам қилиб боғланган ҳолда, гражданларнинг турар жойларидан қатъий назар қабул қилинади.

ҲУРМАТЛИ ГРАЖДАНЛАР!

Абонементлар олиш учун қабул пунктларига макулатураларнинг уюшқоқлик билан топширилиши адабиётнинг китоб савдоси шохобчаларига тезроқ йўл олишига имкон беради.

Абонементлар олиш масаласи юзасидан 48-04-93 телефон номери бўйича мурожаат қилинг.

«Тошкент шаҳар «ВТОРСИРЬЁ» ишлаб чиқаришгайёрлов корхонаси.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети
МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БОШҚАРМАСИНИНГ
ЎҚУВ КОМБИНАТИ

комплекс қабул пунктларининг профессионал қабул қилувчилари тайёрланадиган

КУРСЛАРГА
ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 2 ой.

Стипендия — 70 сўм.

КУРСНИ БИТИРГАНЛАР «ТОШКЕНТ СЕРВИСИ» ФИРМАСИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИ.

КУРСЛАРГА 40 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЭРКАКЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: аттестат ёки 8-синфни тугатганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, яшаш жойидан справка, 4 та фотосурат (3х4 см. ҳажмда),

Справкалар учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳар, 1-Мингўрик кўчаси, 9-уй (2, 16-трамвайларнинг, 19, 115-автобусларнинг, 10, 26, 103-маршрутли таксиларнинг «Ўзбексельмаш» заводи» бекати).

«ТАШКЕНТСЕРВИС» ФИРМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

САРАТОН ПИСАНД ЭМАС

Ҳа, «Снежинка» холодильниги ёзнинг энг жазирама кунларида ҳам озиқ-овқат маҳсулотларини музлатади, ичимликларни совутади, ях тайёрлайди, мева ва сабзавотларни янгилигича сақлайди.

Самарқанд рўзғор холодильниклари заводи ишлаб чиқаратган бу янги моделдаги холодильник 3—4 кишилик оилалар учун мўлжалланган.

«СНЕЖИНКА»НИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ:

— холодильникни тозалаш учун кетадиган вақтни бирмунча тежаш имконини берувчи ярим автомат тарзда муздан тушириш системаси;

— электр-энергияси сарфини камайтирадиган янги совутиш агрегати;

— холодильник музхонаси эшикчаларини тозалаш пайтида трубкалар шикастланишининг олдини олувчи янги элементлари;

— маҳсулотларнинг 3—4 ҳафта давомида бузилишдан сақланишини таъминлайдиган Цельсий шкаласи бўйича минус 12 даражали паст ҳароратли бўлим;

Ҳатто энг кичик ошхонада ҳам «Снежинка»га шубҳасиз жой топилади: 1/3 квадрат метр майдон унга бемалол етади.

ТЕХНИКАВИЙ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ:

Совутиш камерасининг умумий сиғими —240 дм³;
паст ҳароратли бўлимнинг сиғими — 21,6 дм³;
ташқаридаги ҳарорат 25 даража ва совутиш камерасидаги ўртача ҳарорат 5 даража бўлганда суткалик электр энергияси сарфи 1,7 квт./с. дан ошмайди.

ГАБАРИТ РАЗМЕРЛАРИ:
баландлиги — 1435 мм.
кенглиги — 570 мм.
чуқурлиги — 600 мм.
оғирлиги — 67 кг.

Холодильникнинг кафолатли хизмат қилиш муддати— сотилган кунидан бошлаб 3 йил.

УЙ БЕКАСИГА ЭСЛАТМА:

Иссиқ овқатни холодильникка қўйишдан олдин хона ҳарорати даражасигача совутинг.
Суюқликларни фақат берк идишда сақланг.
Холодильникда ишқорларни сақламанг.
Эритиш деворига ишқор тегиб қолса, холодильник ишдан чиқади.

Ўткир ҳидли маҳсулотлар (пишлоқ, балиқ, дудламалар, зираворлар), **шунингдек, турли ҳидларни осонлик билан ўзига сингдириб олувчи маҳсулотлар** (сарёғ, крем, творог, сметана) **қопқоқли идишда ёки полиэтилен пакетлар, целлофан, алюминийли фольгада сақланиши зарур.**

Музлаган маҳсулотларни ўралган ҳолда паст ҳароратли бўлимда сақлаш талаб қилинади.

Холодильникни камида бир ойда бир маротаба тозалаш керак ва бунда ҳеч қандай порошок қўллаш мумкин эмас.

Узоқ муддатга холодильникни ўчириб қўядиган бўлсангиз холодильник эшигини қия очиқ ҳолда қолдиринг.

«СНЕЖИНКА» холодильнигини Бош универсал магазиндан сотиб олишингиз мумкин.

БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИН.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги
М. Я. БУРЕШ НОМЛИ ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ
1983—1984 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚУНДУЗГИ БЎЛИМГА

8-синфни тугатганлар қуйидаги мутахассисликларга қабул қилинади: саноат ва граждан қурилиши, биноларнинг санитария-техника ускуналари.

Аризалар 1 июндан 1 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 21 августгача ўтказилади. 21 августдан 26 августгача ўқувчилар сафига қабул қилинади.

Ўрта мактабни тугатганлар қуйидаги мутахассисликларга қабул қилинади: архитектура, саноат ва граждан қурилиши, инженерлик геодезияси, геодезия, қурилиш деталлари ва темир-бетон конструкцияларни ишлаб чиқариш.

Аризалар 15 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 22 августгача ўтказилади. 22 августдан 26 августгача ўқувчилар сафига қабул қилинади.

КЕЧКИ БЎЛИМГА

8-синфни тугатганлар қуйидаги мутахассисликка қабул қилинади: саноат ва граждан қурилиши.

Аризалар 7 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 7 августдан 15 августгача ўтказилади. 15 августдан 19 августгача ўқувчилар сафига қабул қилинади.

Ўрта мактабни тугатганлар қуйидаги мутахассисликларга қабул қилинади: архитектура, саноат ва граждан қурилиши, биноларнинг санитария-техника ускуналари.

Аризалар 15 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 22 августгача ҳамда 10 ноябрдан 21 ноябргача ўтказилади.

21 ноябрдан 26 ноябргача ўқувчилар сафига қабул қилинади.

СИРТҚИ БЎЛИМГА

8-синфни ва ўрта мактабни тугатганлар саноат ва граждан қурилиш мутахассислигига қабул қилинади.

Аризалар 11 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 10 августдан 21 августгача ўтказилади.

21 августдан 31 августгача ўқувчилар сафига қабул қилинади.

8-синфни тугатганлар техникумга кириш учун қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар: ўзбек тили (диктант), математика (оғзаки).

Ўрта мактабни тугатганлар техникумга кириш учун қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар: ўзбек тили ва адабиёт (иншо), математика (оғзааки).

Архитектура мутахассислигига кирувчилар расмдан қўшимча имтиҳон топширадилар.

Аризалар техникум директори номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: маълумоти ҳақидаги ҳужжат (аттестат ёки 8-синфни тугатганлиги тўғрисидаги гувоҳнома), асл нусхаси, 286-формадаги медицина справкаси, 4 дона фотосурат (3х4 см.), кечки ва сиртқи бўлимга кирувчилар икки йилдан ортиқ иш стажига эга эканликлари тўғрисидаги ҳужжат (меҳнат дафтарчасидан кўчирма), корхона, қурилиш, муассаса ва ташкилотлардан юборилган ягона формадаги (3 ва 4-илова) йўлланма.

Техникумга кирувчилар қабул комиссиясига туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), **ҳарбий билет ёки ҳарбий гувоҳномаларини шахсан кўрсатадилар. Бу тўғрида уларнинг шахсий делосига тегишли изоҳлар ёзиб қўйилади.**

Бошқа шаҳардан келиб кундузги бўлимга кирувчилар имконияти борича ётоқхона билан таъминланадилар. Стипендия умумий қоидага мувофиқ берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 44-24-42, 44-26-22, 44-29-40.

КИНО

2 ИЮНДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТЎРТОВЛОН КАРДИНАЛГА ҚАРШИ» — **Ватан** (жуфт соатларда).

«НИКОҲСИЗ ЎҒИЛ» — **Восток** (18.30, 21.00, телефон 91-14-61), **Дружба** (17, 18, 20, 21.00, телефон 66-15-75), **Москва** (18.30, 21.00, телефон 33-05-01), **Санъат саройи** (18.30, 21.00, телефон 44-21-74).

«УЗОҚ ТУН» — **Чайка** (18.30, 21.00, телефон 77-06-20).

«ЯНКУ ЖИАНУ СОЛИҚ ИИҒУВЧИ» — «ЯНКУ ЖИАНУ—ГАЙДУК» — **Қозоғистон** (17, 18, 20, 21.00, телефон 35-24-92).

«ОНА МАРИЯ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ИККИ КИШИЛИК ВОКЗАЛ» — **Искра** (18, 21.00, телефон 39-14-59).

3 ИЮНДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТЎРТОВЛОН КАРДИНАЛГА ҚАРШИ» — **Ватан** (жуфт соатларда).

«НИКОҲСИЗ ЎҒИЛ» — **Восток** (11, 13.30 16, 18.30, 21.00, телефон 91-14-61), **Дружба** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00, телефон 66-15-75), **Москва** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 33-05-01, **Санъат саройи** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 44-21-74, **ВЛКСМ 30 йиллиги** (11, 13.30, 16, 18.20, 20.40).

«УЗОҚ ТУН» — **Чайка** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 77-06-20).

«ЯНКУ ЖИАНУ — СОЛИҚ ИИҒУВЧИ» — «ЯНКУ ЖИАНУ — ГАЙДУК» — **Қозоғистон** (11, 12, 14, 15, 17, 18.20, 21.00, телефон 35-24-92).

«ИККИ КИШИЛИК ВОКЗАЛ» — **Искра** (12, 15, 18, 21.00, телефон 39-14-59).

Ташкилотлар, муассасалар ва ўқув юртларининг раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

Тошкентнинг 2000 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёргарлик муносабати билан

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИНИНГ КЎЧМА КИНО БЮРОСИНИНГ ДИРЕКЦИЯСИ

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛМОҚДА:

Адрес: Тошкент шаҳри, Советская кўчаси, 21-уй. Телефон 32-10-87.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

4 ИЮНЬ СОАТ 19.00 ДА

СССР биринчилиги учун

«ПАХТАКОР» (Тошкент) — **«ДИНАМО»** (Тбилиси) **командалари ўртасида**

ФУТБОЛ

НАВОИЙ НОМЛИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

3 июнь 19.30 да

А. Хачатурян

СПАРТАК

3 пардали балет

Музика раҳбари ва дирижёр — СССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати **Д. АБДУРАҲМОНОВА.**

Саҳналаштирувчи- балет-мейстер — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **И. ЮСУПОВ.**

Рассом — Арманистон ССРда хизмат кўрсатган артист, СССР Давлат мукофоти лауреати **А. МИРЗОЯН.**

Билетлар сотилмоқда.

КИТОВСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ИДОРАСИ

«Мысль», «Прогресс», «Аврора», «Высшая школа», «Лёгкая и пищевая промышленность», «Энергоатомиздат» марказий нашриётлари чоп этадиган адабиётларнинг навбатдаги қисқача мазмуни берилган тематик планлари олинганлигини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Юқорида айтиб ўтилган тематик планлар бўйича китобларга олдиндан буюртма бериш қоидалари билан шаҳардаги барча китоб магазинларида танишиш мумкин. Эътиборингизни шу нарсага жалб этамизки, буюртмалар фақат махсус адабиётларга расмийлаштирилади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети

трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг

«КРАСНОВОСТОЧНОЕ» ДЕПОСИГА

абонемент билетлари ва йўл карточкаларининг кичик сотувчилари

меҳнат ҳақи — вақтбай-мукофотли;

трамвай ва троллейбус ҳайдовчилари

КЕРАК

Бошқа шаҳарлардан келган ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона —аҳолини ишга жойлаштириш бўйича марказий пунктга ва район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга мурожаат қилинсин.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

30-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1983—1984 ўқув йилига

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

кенг профилдаги фотографлар, кенг профилдаги сартарошлар, кенг профилдаги ошпазлар ва сотувчилар, якка буюртма тикувчилари, қандолатчилар, электр жиҳозларга маиший хизмат кўрсатиш бўйича электрик-усталар (холодильник, кир ювиш, чанг тозалаш машиналари), **тикув машиналари бўйича усталар, соат тузатиш ва уни гравировкалаш усталари— соатсозлар, радио ва телевизорлар тузатиш усталари.**

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотли, 15 ёшли ва ундан катта бўлган йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати — 1—2—3 йил.

Билим юртига ўқувчилар имтиҳонсиз қабул қилинадилар. Ўқишга қабул қилинганлар стипендия билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаган меҳнат ҳақининг 33 проценти ўқувчиларга берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киритилади.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда маълум имтиёзлардан фойдаланадилар.

Машғулотлар — 1 сентябрда бошланади.

Билим юртига киришда қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: билим юрти директори номига ёзилган ариза, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, маълумоти ҳақида гувоҳнома, турар жойидан справка, 4 дона фотосурат, 286-формадаги медицина справкаси, мактабдан характеристика.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, 1/2-Қорақамиш массиви (42, 43, 43«э», 56, 82-автобуслар ва 27-трамвайнинг «Мактаб» бекати). Телефон 48-68-59.

«УЗПРОМВЕНТИЛЯЦИЯ» трестининг

ЎҚУВ ПУНКТИ

ҳавони мўътадиллаштириш ва вентиляциялаш системалари монтажи бўйича слесарь-вентиляциячилар, вентиляция системаларининг деталларини тайёрлаш бўйича слесарь-вентиляциячиларни тайёрлайдиган

УЧ ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА 8-10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 17,5 ЁШДАН 40 ЁШГАЧА БЎЛГАНЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Курсларга қабул қилинганларга ҳар ойда 76 сўмдан стипендия берилади.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

КУРСЛАРНИ ТУГАТГАНЛАР «УЗПРОМВЕНТИЛЯЦИЯ» ТРЕСТИНИНГ ТАШКИЛОТЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН ЙЎЛЛАНМА БИЛАН ЮБОРИЛАДИЛАР.

Курсларга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: паспорт, ҳарбий билет, меҳнат дафтарчаси, турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисида справка, 3Х4 см ҳажмидаги 3 дона фотосурат.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700047, Тошкент шаҳри, 47-алоқа бўлими, Ленинград кўчаси, 19-уй, 3-қават, кадрлар бўлими.

ТВ

2 ИЮНЬ— ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.10 В. Чайковский. «Симфоник оркестр ижроси учун мавзу ва саккиз вариациялар». 18.30 «Миллионлар ленинча университети». «Тежамли экономика». 19.00 «Қувноқ нотачалар». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Қаттиқ ёнғоқ ҳақида эртак». Мультфильм. 19.50 «Хотираларда». Фильм-концерт. 20.20 «Баланд тоғлар ёнида учрашув». Уч серияли телевизион бадиий фильм. премьераси. 2-серия. «Огир пайтлар». 21.30 «Время». 22.05 «Ҳужжатли экран». 23.05 «Дунё воқеалари». 23.20 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Эркаклар. Финал группаси командаларининг матчи. Франциядан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевиденциесининг программалари

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Қуён, Скрип ва скрипка», «Тойчоқ». Қўғирчоқ фильмлар. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Беш йиллик пропагандисти». 19.00 «Бригада пудрати амалда» (рус.). 19.30 «Ахборот» 19.45 Ўзбекистон телевиденциеси ва радиоси уйғур ансамблининг концерти. 20.30 «Ахборот». 20.50 А. Островский. «Ҳар тўкисда бир айб». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 21.30 Москва. «Время». 22.05 А. Островский. «Ҳар тўкисда бир айб». Ҳамза номидаги Давлат академик драма театрининг спектакли (давоми). 23.35 «Вугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Афсоналар ороли». Телефильм. 18.20 Абитуриентлар учун. Физика. 19.20 Реклама. 19.35 «Қўшиққа қайтиш». Ҳужжатли фильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Менинг ўрнимга от». Бадиий фильм. 21.30 МТ II.

3 ИЮНЬ— ЖУМА

Марказий телевиденениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Менга тегма». Ҳужжатли фильм. 10.10 РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Спиваков ҳамда халқаро конкурс лауреати Ю. Башмет концерти. 10.50 «Баланд қорлар ёнида учрашув». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. «Огир пайтларда». 12.00 «Ёшлар адреслари». 13.00 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Беш йиллик—ҳар биримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар. 16.15 А. С. Пушкин. «Евгений Онегин» Адабий этюдлар. 17.15 СССР халқ рассоми В. Орешников ҳақида кўрсатув Ленинграддан олиб кўрсатилади. 17.45 Италиянинг миллий байрами —республика эълон қилинган кунга бағишланган кўрсатув.

18.45 «Виз БАМни қуряпмиз». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Давлат «Берёзка» академик хореографик ансамблининг концерти. 20.15 «Баланд қоялар ёнида учрашув». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. «Учрашув». 21.30 «Время». 22.05 «Тасодифий йўловчилар». Вадиий фильм. 23.20 «Дунё воқеалари». 23.35 «Танҳо сокинликда». Телевизион ҳужжатли фильм. 23.50 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Эркаклар. Финал группаси командаларининг матчи. Франциядан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевиденциесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Нега бўталоқ тиканак ейди?». Қўғирчоқ фильм. 11.40 «Китоб —бизнинг дўстимиз (такрорий). 12.10 «Красноярье шифоҳоналари». Ҳужжатли фильм. 12.40 «Касблар ҳақида ҳикоялар». 13.10 «Катта йўлда». Телеспектакль (рус.).

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Янги эртак», «Ширин эртак», «Дўстлар», Қўғирчоқ фильмлар. 18.45 «Биринчи даражали вазифа». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 19.05 «План —ишлаб чиқариш қонуни». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Чорвачилик—зарбдор фронт» 20.00 «Халқ ижодиёти». Вахшиларнинг Республика конкурси (давоми). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.30 «Узундан узоқ иш». Бадиий фильм.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Денгиздан эсган шамол». Ҳужжатли фильм. 19.00 Абитуриентлар учун. Химия. 19.30 «Автомарш». Ҳужжатли фильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Тошкентнинг 2000 йиллигига. «Она шаҳрим— Тошкентим». 20.50 «Сонетлар хоними». Телеспектакль (рус.). 21.30 МТ II.

Тошкент тўқимачилик комбинати коллективи корхонанинг кекса ходими, республикада стахановчилар ҳаракатининг ташаббускори, биринчи чақириқ СССР Олий Советининг депутати

Мавжуда АБДУРАҲМОНОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумаанинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

---

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП. Ленин кўчаси, 41 Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-55-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

2 ИЮНЬ, 1983 й. Р — 10293. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12